290894

Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

ÖZBEKİSTAN AVAZI

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 20 август, шанба № 131 (21.735). Сотувда эркин нархда

МУСТАҚИЛЛИК: ИНЪОМ ВА МАСЪУЛИЯТ

Ҳарон бир хонадонга кирсангиз, эгаси қанчалик замонавий бўлмасин, уй барибир у мансуб бўлган миллатга хос жиҳозлар билан безатилганини, тартиб ҳам шу миллатга хос эканини кўрасиз.

Ўзбекистон — улкан, ҳақиқий байналмилал хонадон. Бу ерда юздан ортиқ миллат ва элат тинч-тотув турмуш кечираётгани барчага маълум. Бироқ, барибир юртимизнинг номи Ўзбекистон эканини, бинобарин, унинг шакли шамойили ҳам номини ифода этиши, яъни «исми жисмига мос» бўлиши шартлигини унутмаслигимиз лозим. Чунки, юртимизга келган ҳар қандай одам ўзининг Ўзбекистонда эканини ҳар қадамда сезиб туриши керак.

Шўролар даврида Ўзбекистон деган ном фақат шу салтанат доирасидагина маълум, унинг, демакки, шаҳар ва қишлоқларимизнинг ҳам ўзига хос қиёфаси йўқ ҳисоби эди. Юртбошимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда, «Мустақиллик эълон қилинганидан буён ўтган давр нисбатан қисқа бўлсада, халқимиз ва давлатимиз тарихида ғоят катта ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар юз берди. Миллий давлатчилигимизни қайта тиклашда, кўп асрлик беқиёс маънавий меросимиз, тариху маданиятимиз, дину тилимиз, муқаддас урф-одатларимизнинг янада қад ростлашида сезиларли қадамлар қўйилди. Миллий ғуруримиз, ориятимиз тикланмоқда, қалбимизда асл ватанпарварлик туйғулари уйғонмоқда».

Атиги уч йил ичида шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси ҳам кескин ўзгарди. Биргина Тошкентни оладиган бўлсак, бош майдонимизда «кўрк» тўкиб турган Ленин, «Инқилоб ҳиёбони»нинг «эга»си Карл Маркс ҳайкаллари олиб ташланиб, бу жойларга ҳақиқий эгалари қайтиб келди, бу жойларнинг ҳам, бошқа майдон ва кўчалар, боғлар ва меҳмонхоналар, метро бекатларининг ҳам номлари ўзгарди, Тошкент ҳақиқий ўзбек шаҳрига айланди.

Аммо, бу борада қилинаётган ишлар кўнгилдагидаймі? Мустақил юрт талабларига жавоб берадими? Президентимиз халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида масалани кескин қилиб қўйганидек, ҳар бир ҳудуднинг эгаси борми? Юртбошимизнинг барча раҳбар телевизор кўрсин, деган маслаҳатига амал қилиняптими?

Афсуски, бу саволларга баралла «ҳа!» дея жавоб бериш қийин. Агар шаҳар, туман ҳокимлари газета ўқиганида, телевизор кўрганида шаҳар ободончилиги, кўча ва бошқа жойларнинг номлари хусусидаги таклифларни кўриб чиққан, уларда кўтарилган масалаларни ҳал этган бўлур эди.

Бир нечта мисол. Шаҳримизнинг энг гўзал кўчаларидан бири Пушкин номи билан юритилади. Бу яхши, албатта. Аммо, бу кўча ёнида «Пушкин—Пишпек», «Пушкин—Салор» деган кўчалар борлиги, бу номлар ҳеч нарсани англатмаслиги, улардан бирига шу ерда истиқомат қилган атоқли ёзувчи Мирзакалон Исмоилий номини бериш лозимлиги тўғрисида бир неча бор ёзилди. Аммо, ҳокимлар газета ўқимагани туфайли шекилли, ҳеч қандай натижа бўлгани йўқ.

Тошкентда Гризодубов номида кўча борлиги, бу аслида нотўғрилиги, Гризодубов эркак эмас, аёл экани тўғрисида ҳам ёзилди. Бироқ, бу ҳодиса ҳам ҳеч кимда ҳеч қандай муносабат пайдо қилмади. Акс ҳолда газетада шу ҳақда гап бўлган куниёқ бу уятли ҳолга барҳам бериб, кўчани шу ерда яшаб ўтган бошқа бир атоқли ёзувчимиз — Шуҳрат номи билан аташ мумкин эди...

Тошкент — яна юртбошимиз таъбири билан айтганда, Ўзбекистоннинг юраги ҳамдир. Демак, ундаги ҳар бир унсур, ҳар бир манзара, ҳар бир иншоот Ўзбекистоннинг қиёфасига мос, бу қиёфани ифода қилиши зарур. Бироқ, айтайлик, «Болалар дунёси» магазини олдида, Дархон маҳалласида ёғочдан ўйиб ишланган турли қиёфалар қайси халққа мансуб, қайси мамлакат жуғрофиясини билдиради?

Мустақиллик шарофати туфайли метронинг ҳам кўпгина бекатлари қайта номланди. Бироқ, бекатнинг безаги янги номга мос эмас, аксинча, унинг бутунлай акси эканига ким эътибор қилмоғи лозим? Безаклар номларга қай даражада мос ва мустақил Ўзбекистонга қай даражада алоқадор, деган саволга-чи, ким жавоб беради?

Мана, бир-иккита мисол: «Амир Темур хиёбони» бекатини инқилобчилар тасвири, «Вся власть советам!», «Все на защиту революции!», «Мы строим социализм» сингари шиорлар «безаб» турибди.

«Мирзо Улуғбек» бекатида ўттиз тўртта устун бор экан. Уларнинг ҳаммасида СССР ҳамда бошқа республикаларнинг ўша пайтдаги герб ва байроқлари тасвирланган.

«Ёшлик» бекатининг безаги эса, комсомолнинг жасоратини кўрсатувчи тасвирлар ҳамда унга берилган орденлардан иборат.

«Халқлар Дўстлиги» бекати перронининг иккала томонида ҳам бугунги кунда йўқ СССР ҳамда ўша собиқ Иттифоқ республикаларининг бугунги кунда йўқ герблари «кўрк» тўкиб турибди. На кулишни, на йиғлашни биласиз бу ҳолдан. Яна шуниси ғалатики, улар орасида Ўзбекистоннинг олдинги герби ҳам бор. Мустақил давлатнинг метроси бекатида бу тасвирларни кўрган меҳмон Ўзбекистон ҳақида қандай тасаввурга эга бўлади?

Афсуски, ана шу герблар муҳташам Халқлар Дўстлиги майдонини ҳам «безаб» турибди. Бу жойларнинг эгалари машинада юргани учун, эҳтимол, метродаги манзарадан бехабардир, аммо майдон ёнидан ўтиб туришадику. Афтидан, улар машина ойнасидан ташқарига ҳам қарамайди шекилли. Акс ҳолда, майдондаги бу манзарага кўзлари тушган, бинобарин, аҳволни ўнглаган бўлур эдими... Ёки бозор, сув, бензин масалалари сингари бу масалани ҳам шахсан Президентнинг ўзи ҳал қилишини кутиб туришибдимикан? Раҳбарлик масъулияти, раҳбарнинг ташаббуси, деган тушунчалар борми бизда ўзи?

Тошкент бутун Шарқнинг дарвозаси, деймиз. Бу — тўғри гап. Буни юртбошимиз ҳам алоҳида эътироф этган. Аммо, Тошкент — энг аввало Ўзбекистоннинг дарвозаси. Шундай экан, ўз навбатида Тошкентнинг ҳам дарвозалари бор. Қадимда шаҳарларнинг дарвозаси кўп бўлгани маълум, бугунги кунда аэропорт билан вокзал пойтахтимизнинг асосий дарвозалари ҳисобланади. Демак, юртимизга келган ҳар қандай меҳмон учун Тошкент, Ўзбекистон вокзал билан аэропортдан бошланади. Меҳмонга юртимиз тўғрисида дастлабки таассуротни аэропорт билан вокзалнинг безаги, бу ерлардаги тартиб, қурилиш ва иншоотлар беради.

Тошкент воквалида поезддан тушиб, шаҳар томонга чиққан меҳмоннинг кўзи дастлаб нимага тушишини биласизми? Билмасангиз, билиб қўйинг: ўн тўрт комиссар ҳайкали ва бу иншоот қаршисида ёниб турган мангу оловга тушади. Меҳмон бу комиссарларни Ўзбекистоннинг миллий қаҳрамонлари экан, деб ўйлаши табиийми? Уларнинг қиёфасига, кийимига қараб, бизнинг қиёфамиз ва либосимиз хусусида дастлабки тасаввурга эга бўладими?

Хўш, шаҳримиз дарвозасида турган бу «дарвозабон»лар ким ўзи? Аслида бу саволнинг ўзи ортиқча. Чунки, уларнинг кимлигини, яқиндагина турмушимизни бутунлай алғов-далғов қилиб, ўзбек деган номга қора чаплаб кетган «десантчи»лар сингари, улар ҳам халқимиз бошига не кунлар солганига тарих ҳали баҳо беражагини барча, шу жумладан бу «табаррук» ҳайкал ўрнатилган жой эгалари ҳам яхши билади. Билади-ю... Эҳтимол, метро бекатларини қайта безаш учун катта маблағ талаб қилинар, лекин тинч турмушимиз, урф-одатимиз, динимиз, тилимиз, эътиқодимизга тажовуз қилган «муҳтарам» комиссарлар ҳайкалини олиб ташлаш унчалик қийин иш эмасдир?

Мустақиллигимизнинг уч йиллигини байрам қилишдек мислсиз улкан воқеа арафасида турибмиз. Мустақиллик баландпарвоз гаплардан, шиордан, сархушликдангина иборат эмаслиги, уни асрабавайлаш лозимлиги, уни мустаҳкамлаш учун ҳали ниҳоятда кўп ва хўб ишлашимиз зарурлиги бир нафас ҳам ҳаёлимиздан чиқмаслиги — ҳақиқий фуқаролик бурчимиз тақозосидир. Шу фикр билан яшаган ҳар қандай киши — оддий ишчими, ҳокимми—ўзининг ишини ўзи, бировларнинг эслатишисиз, виждонан, вақтида бажарса, бас—олам гулистон. «Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак», дейди юртбошимиз. Қанийди, бу ибрат, бу намуна барчамизнинг юрагимизга бир ёлқин ташласа, барчамиз элим дея, юртим дея ёниб яшасак! Унда мустақиллигимизнинг уч йиллигини нишонлаш арафасида вокзалдаги сингари «дарвозабон»лар, метронинг ғаройиб «безак»лари ҳақида куюниб ёзиб ўтирмаган бўлардик... Бинобарин, бу каби ишларни бажариш учун йиллар шарт эмас-ку...

Хуллас, мустақилликнинг инъомидан баҳраманд бўлиш билан бирга унинг масъулиятини ҳам ҳис этайлик, ҳар қайсимиз ўз уйимизни тартибга келтирайлик.

М. ХУЖАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мисрнинг миллий байрами муносабати билан менга ва Миср халқига эзгу тилаклар билдириб юборган самимий табригингизни олиб, бениҳоя мамнун бўлдим.

Жаноб Президент, Сизга эзгу тилакларимни изҳор этиб, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик муносабатларига равнақ тилайман.

Муҳаммад ҲУСНИ МУБОРАК,
Миср Араб Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг муборак таваллуд кунлари муносабати билан ўз номимдан, Иордания Ҳошимийлар подшолиги халқи ва ҳукумати номидан Сизга самимий табрикларимни йўллайман. Қардош Ўзбекистон халқига бундан буён ҳам равнақ ва фаровонлик тилашдан бениҳоя мамнунман.

Иордания подшоҳи. **ҲУСАЙН I.**

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

ЯНГИЛИКЛАР ВОҚЕЛАР ХАБАРЛАР

• *Ишбилармонлик*

КОНИМЕХ МИНЕРАЛ СУВИ

● НАВОИЙ (мухбиримиздан). Иқтисодий қийинчиликлар даврида туман тайёрлов савдо корхонаси жамоаси сабзавот маҳсулотларини ҳозирлаш ва харид қилиш билан чегараланмаяпти.

Ишбилармонлар маҳсулот тайёрлаш билан бирга замонавий технологияга асосланган ёрдамчи цехлар қуриб, фойда оляптилар. Хусусан, корхона ҳузуридаги минерал сув ишлаб чиқариш цехида кунига 2—3 минг дона шиша ичимлик тайёрланяпти. Инженер-техниклар ташаббуси билан бу ерда шунингдек «Тархун», «Райҳон» сингари ичимликлар ҳам ишлаб чиқарилмоқда.

Музаффар ШАРОПОВ.

• *Ҳамкорлик*

«ДЎСТЛИК» КЕНГАЙМОҚДА

● БУХОРО (мухбиримиздан). Ромитан туманида қўшма корхоналар сони кўпаймоқда. Икки-уч йил аввал Братск шаҳри билан ҳамкорликда «Дўстлик» қўшма корхонаси иш бошлаган эди. Бу корхона узумни қайта ишлашга мослаштирилган.

Яқинда «Дўстлик» корхонаси янада кенгайтирилди. Унинг теграсида консерва цехи фойдаланишга топширилди. Бу билан юз кишилик иш жойи вужудга келди. Энди ромитанликлар сабзавотларни консерва заводларига топшириш билан боғлиқ муаммолардан қутилдилар.

• *Кўрик-танлов*

ҲАМШИРАЛАР ХАЛҚАРО БАҲСИ

● БУХОРО (мухбиримиздан). Қадимий ва навқирон шаҳарда ўзига хос йирик анжуман — Марказий Осиё мамлакатлари тиббиёт ходимларининг «Ҳамшира—94» халқаро кўрик-танловини ўтказишга тайёргарлик кўрилмоқда.

Вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Комитети, Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги халқаро танловни ўтказиш таъсисчилари бўлишди. Анжуманга тайёргарлик ва уни ўтказиш ташкилий қўмитаси аъзолари қизғин иш бошлаб юборишди. Танловда мамлакатимиздан тўрт нафар ҳамширанинг иштирок этиши мўлжалланмоқда. Бошқа мамлакатлардан икки нафардан вакил иштирок этади.

Даврон БАҲРОНОВ.

• *Янги цех*

ТОЛА ЧИҚИТИДАН ФОЙДАЛАНИБ

● СУРХОНДАРЁ (мухбиримиздан). Деновдаги Шойимардон Қобулов номли жамоа хўжалиги деҳқонлари асосан уруғлик пахта етиштиришади. Илгари чигитни тозалаб олингандан кейин қоладиган узуқ-юлуқ тола исроф бўларди. Энди бунинг олди олинадиган бўлди.

Хўжалик ишбилармонларидан бири Абдулла Сандов қишлоқда гилам-полос тўқиш цехини очди. У 8 та тўқув дастгоҳини «қўлбола» қилиб яратди. Хўжалик бошқаруви раиси Эшмурод Хўжамбердиев уста йигитни қўллаб-қувватлаб турди. Цех учун бино ажратилди. Хом ашё билан таъминлашни хўжалик ўз бўйнига олди. Бунинг эвазига цехда тўқилган дастлабки 10 та гилам-палос хўжаликнинг дала-шийпонларига тўшаш учун арзон нархда сотилди.

Абдуғаффор ОДИНАЕВ.

• *Луқма*

ИСИРИҚНИНГ УВОЛИ ЙЎҚМИ?

● ҚАШҚАДАРЁ (мухбиримиздан). Исириқнинг ҳосиятини Шарқ халқлари яхши билишади. Унинг шифобахшлигини табобат илми ҳам тасдиқлаган.

Хусусан, Луқмони ҳаким, Ибн Сино Ҳазорисфанд, яъни танасидан учигача «заҳарли» бўлган ўсимликнинг инсон соғлиғига малҳам экани ҳақида уқтиришган. Бундан ташқари грипп касаллиги хуруж қилган пайтда, милк ва томоқ оғриганда бу гиёҳнинг тутатилиши ёки қайнатмасининг қанчалик асқотиши ҳаммага маълум. Афсуски, вилоятнинг Чироқчи, Касби, Усмон Юсупов, Косон, Толлимаржон, Нишон туманларининг кенг яйловларида тўп-тўп бўлиб яшнаётган исириқларга бефарқ қаралмоқда. Уни қўй ҳам, қора мол ҳам оғзига олмайди. Наҳотки Касби ёки Косонда исириқни тайёр доридармонга айлантириш ҳом ашёси сифатида фойдаланишнинг иложи бўлмаса. Ахир олимларимиз исириқдан махсус дудланадиган шамлар тайёрлашни кашф этган эдилар-ку. Бундай фойдали «неъмат» дорихоналардан ўрин олса мақсадга мувофиқ бўларди.

Ғози РАҲМОН.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АВФ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг уч йиллиги муносабати билан, меҳр-шафқат ва инсонпарварлик тамойилларига амал қилиб, Конституция 93-моддасининг 20-бандига асосан қарор қиламан:

1. 5 йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган воягa етмаганлар, аёллар, ёши 60 дан ошган эркаклар ҳамда 1- ва 2-гуруҳ ногиронлари жазодан озод қилинсин.

2. Биринчи марта атайлаб қилган жиноятлари учун 3 йилгача озодликдан маҳрум этилган ёки енгилроқ жазога ҳукм қилинганлар, шунингдек эҳтиётсизлик туфайли қилган жинояти учун 5 йилгача озодликдан маҳрум этилганлар жазодан озод қилинсин.

3. Биринчи марта қамоқ жазосига ҳукм қилинган ва белгиланган жазо муддатининг учдан икки қисмини ўтаган шахслар жазо муддатининг қолган қисмини ўташдан озод қилинсин, белгиланган жазо муддатининг ярмини ўтаган шахслар эса бадарға колониясига ўтказилсин.

4. Ўта оғир жинояти учун озодликдан маҳрум этилган ашаддий жиноятчиларга, наркотик моддалар ва ўқотар қуроллар билан боғлиқ жинояти учун маҳкум этилганларга, уюшган жиноий гуруҳларнинг иштирокчиларига, шунингдек, жазони ўташ тартибини ашаддий бузувчиларга нисбатан авф қўлланилмасин.

5. Фармон эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради ва тўрт ой давомида ижро этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 19 август.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

С. С.САИДҚОСИМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Саидмухтор Саидғозиевич Саидқосимов Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1994 йил 18 август.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

С. С. САИДҚОСИМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Саидмухтор Саидғозиевич Саидқосимов бошқа ишга ўтгани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1994 йил 18 август

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

А. Ҳ. КОМИЛОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Абдулазиз Ҳафизович Комилов Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1994 йил 18 август

Энг йирик қурилиш — Толлимаржон ГРЭСи жамоаси мамлакатимизнинг мустақиллик байрамига муносиб совға тайёрлади. Янги қувур монтажи якунланди. Йирик иншоотнинг баландлиги 270 метрни ташкил этади. Уни бунёд этишда 2200 тонна металл ва 11 минг тонна бетон ишлатилди.

Суратда: монтажчи-прораб Темир Ҳайдаров ГРЭСнинг бош биноси қурилишига раҳбарлик қилмоқда.

Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат.

ХАЛҚҚА ТУШУНТИРИБ, ХАЛҚНИ ИШОНТИРИБ

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши тарғибот гуруҳининг Самарқанддаги учрашувлари жонли ўтяпти. Хусусан, трикотаж фабрикасида, Ургутдаги тўқимачилик корхонасида бўлиб ўтган савол-жавоблардан халқимиз мустақилликка муносабатларини кескин ўзгартираётганликлари ва ишда фидойилик кўрсатишга интилаётганликлари сезилиб турди. Тарғибот гуруҳи аъзолари — тарих фанлари доктори Ҳайдар Амирқулов, юридик фанлари доктори Э. Халилов тўпланганларнинг кўпдан-кўп саволларига жавоб қайтардилар.

Самарқанд шаҳрининг С. Алиризо маҳалласидаги учрашув кўпчиликнинг ёдида узоқ вақт сақланиб қолади. Бу ерда нотиқлар республика раҳбарларининг одилона сиёсатини лўнда, содда қилиб тушунтирдилар. Ўз навбатида маҳалла фаоллари ҳам, хусусан, нуронийлар мустақиллигимизнинг йўли тўғри танланганини алоҳида таъкидладилар.

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар*

ХАТ БОСИЛМАСА-ДА...

Фуқаро Н. Қорабоев ўз хонадонини газлаштириш пайсалга солинаётганлиги тўғрисида редакцияга шикоят қилган эди. Унинг бу хати текшириш ва чора кўриш учун Қува тумани ҳокимлигига жўнатилганди. Туман ҳокими ўринбосари Р. Акбаров имзоси билан қуйидаги жавоб олинди:

— Фуқаро Неъматилло Қорабоевнинг ўз уйини газлаштиришда ёрдам сўраб ёзган аризаси мутасадди ўртоқлар иштирокида ўрганиб чиқилди. Хонобод қишлоғини газлаштирила бошланганига бир йил вақт бўлди. Ҳозирги кунда газлаштириш ишлари давом эттирилмоқда. Лекин Раҳматов номли жамоа хўжалиги ҳисобида ҳозир маблағ йўқлиги сабабли бу ишлар тўхтаб турибди. Жамоа хўжалик ҳисобига маблағ тушиши билан биринчи навбатда фуқаро Н. Қорабоевнинг уйи ҳам газлаштирилади.

ТАҲРИРИЯТДАН: Биз туман ҳокими ўринбосари Р. Акбаровнинг ушбу сўзларига ишонамиз. Ўйлаймизки, Н. Қорабоевнинг жўжабирдай жони қиш-қировли кунларда аёз чекмайди.

* * *

Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани Яккатут қишлоғида яшовчи М. Алиева турмуш ўртоғи биринчи тоифа ногирони бўлганлиги сабабли унинг қатор аризаларига маҳаллий ҳокимиятдагилар эътибор бермай, ёрдам кўрсатмаётгани ҳақида ёзган эди. Ушбу мактуб ҳам текшириш ва чора кўриш учун жўнатилган эди. Ўзбекистон тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж. Тиллаев бизга шундай хабар қилади:

— Ўзбекистон тумани ҳокими ўринбосари М. Ҳакимова бошчилигида махсус гуруҳ тузилиб, редакцияга шикоят йўллаган М. Алиеванинг оилавий аҳволи ва яшаш шароити ўрганиб чиқилди. Текшириш жараёнида ҳақиқатан ҳам бу оила ночор яшаётгани, турмуш ўртоғи биринчи тоифа ногирони (ногиронлик нафақасини олади) икки нафар фарзанди фақат М. Алиева ишлаб топган маошга кун кўриши аниқланди. С. Азизов номли жамоа хўжалиги бошқаруви бу оилага ёрдам тариқасида уй атрофини девор билан ўраб бериш ҳамда табиий газ ўтказиб беришни ўз зиммасига олди.

Мустақиллик байрами куни йўқланадиган бўлди, кам таъминланган оилалар рўйхатига киритилди. М. Алиевалар оиласи бундан кейин туман ҳокимияти назоратида бўлади.

ТАҲРИРИЯТДАН: Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш Президентимиз ва ҳукуматимизнинг диққат марказида турибди. Бу ҳақда қатор Фармонлар ва қарорлар эълон қилинди. Бизнингча, М. Алиеванинг оиласига ўхшаган оилалар туманда ягона бўлмаса керак. Ўзбекистон тумани ҳокимлиги бундан буён ҳам кишиларни ижтимоий ҳимоялаш, Президент Фармонларини бекаму-кўст бажарилишига бефарқ қарамайди, деб ўйлаймиз.

* * *

Фуқаро Шаноат Менглиқулов 1994 йил 23 май куни Қизириқ тумани ички ишлар бўлимига ариза билан мурожаат қилиб, Тожикистон Республикасидан кўчиб келганлигини ва қарилигини инобатга олиб, туман ҳудудида яшашликка рухсат беришлигини, ҳисобга олишлигини сўраб бизга ариза қилган эди. Ушбу хат юзасидан Сурхондарё вилоятн ҳокимлигининг ички ишлар бошқармаси бошлиғи, милиция полковники А. Шарипов қуйидагиларни хабар қилади:

— Қизириқ тумани ички ишлар бўлими бошлиғи М. Аҳмедов Ш. Менглиқулов билан бўлган суҳбат чоғида уни туман ҳудудига ҳисобга ололмаслигини ва бу тўғрида Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги» тўғрисидаги қонун ва Ички ишлар вазирлигининг 1993 йил 3 октябрдаги кўрсатмаси борлигини, унда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини қабул қилиш ва республикада доимий яшаш истагини билдирган фуқаролар мустақил ҳамдўстлик давлатларида жойлашган Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаларига, яъни Тожикистон республикасидаги консуллик ташкилотига мурожаат этишлик ва уларнинг рухсати бўлгандан кейин ҳисобга олишлиги тушунтирилган.

ҚУДРАТИМИЗ — ДЎСТЛИКДА

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ВА «ПРАВДА ВОСТОКА» ГАЗЕТАЛАРИНИНГ ДАВРА СУҲБАТИ

Ислом КАРИМОВ:

БИЗНИНГ ДАВЛАТИМИЗНИ ҲАМ КАТТА БИР ОИЛА ДЕБ ТУШУНИШ МУМКИН ВА ЛОЗИМ. БУНДА ЎЗАРО ҲУРМАТ ВА ҚАТТИҚ ТАРТИБ БЎЛМАСА, ОИЛАНИНГ БАРЧА АЪЗОЛАРИ ЎЗ БУРЧЛАРИНИ АДО ЭТМАСА, БИР-БИРИГА НИСБАТАН ЭЗГУЛИК БИЛАН МЕҲР-ОҚИБАТ КЎРСАТМАСА, ЯХШИ ВА МУНОСИБ ТАРЗДА ЯШАШ МУМКИН ЭМАС.

Ҳаётимизда туб бурилиш ясаган, бизга эркинлик, озодлик инъом этган катта айём арафасидамиз. Бу сана миллатидан қатъи назар Ўзбекистонда яшаётган юздан ортиқ элат ва халқларнинг ҳам байрамидир. Уларнинг тинч-тотув, дўст-биродар бўлиб яшашлари учун ўлкамизда ҳамма шароитлар яратилган.

Республикамизда миллий маданий марказларнинг ташкил этилиши мустақил юртимиз ҳаётида янги қадамдир. Зеро, ўтган қисқа давр мобайнида саксондан зиёд миллат маданий марказлари иш бошлагани мустақиллик шарофати, юртбошимизнинг ҳар бир элатнинг ўз маданияти, урф-одати, анъаналари, тилини сақлаб қолиш борасидаги саъй-ҳаракати натижасидир, дейиш мумкин.

Бугун рус, бухоро жуҳудлари, татар, корейс, қорақалпоқ, турк, қозоқ, тожик, уйғур, литва маданий марказлари, шунингдек, Республика байналмилал маданий марказ раҳбарлари таҳририятларимиз меҳмонлари. Улар қандай яшашяпти? Муаммоларини қандай ҳал этишяпти? Шу сингари саволлар билан ҳар бир маданий марказ раҳбарига мурожаат этдик.

Карим РАСУЛОВ, Республика байналмилал маданий маркази директори:

— Республика байналмилал маданий маркази Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинган дастлабки кунлардаёқ юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилганди. Биз учун ажратилган собиқ Халқлар дўстлиги музейи биносида аста-секин миллий марказлар қад ростлай бошлади. Улар бағримизда ўсиб улғайди, тажриба тўплади. Эндиликда саксондан ортиқ шундай марказ мавжуд бўлиб, улар йигирмадан зиёд миллат вакилларини ўзига жамлаган. Асосий вазифамиз бундай марказларнинг миллий, маданий ва тил муаммоларини ҳал этишда уларга яқиндан ёрдам бериш, тинчлик ва дўстлик ғояларини тарғиб этишда биргаликда иш олиб боришдан иборат.

Тўғри, ҳар қайси гуруҳ учун жой танқислиги муаммо бўлиб турибди. Шу боис кўплаб миллий марказлар маданий ҳаёти биз билан ёнма-ён ўтмоқда. Яқинда шаҳар ҳокимияти биномизга туташ уч гектар қўшимча майдон ажратди. Ҳалемай бу майдон катта байрамлар ўтказадиган ажойиб жойга айланишига шубҳа йўқ. Қолаверса, кўплаб умумий байрамларни ўтказишга улгурдик. Шу йил баҳорда «Бир дарахтнинг шохлари» номли кўргазма ташкил этдик. Тасвирий ва амалий санъатнинг юздан ортиқ асари томошабинларни санъатдаги замонавий йўналишлар билан таништирди. Бир вақтнинг ўзида кўргазма қатнашчилари бўлган ўн бир миллат муаллифининг асарлари халқларнинг бир-бирига бўлган қизиқишини орттирди. Шундан сўнг жамоатчилик кенгашида Ўзбекистон халқлари ижодиёти фестивалини ўтказиш ғояси туғилди. Концертларни миллий марказлар тайёрлади. Улардан кўпчилиги «Туркистон», «Санъат саройи» саҳналарида намойиш этилди. Шу кунларда фестивалнинг якунловчи босқичи бўлиб ўтади. Энг яхши чиқишларимизни Халқлар Дўстлиги саройидаа кўрсатамиз. Шу ернинг ўзида миллий кийимлар, уй жиҳозлари, мусиқа асбоблари кўргазмасини ҳам ташкил этамиз. Республикамизнинг мустақиллик байрамини биргаликда нишонлаб, Тошкентнинг марказий майдонида ўзимизнинг концерт дастуримизни намойиш қиламиз. Кузда эса «Маърифат ва маданият» маркази ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий қўмита билан биргаликда миллатлараро алоқалар маданиятига бағишланган биринчи илмий-амалий анжуманимизни ўтказишни мўлжаллаяпмиз. Кези келганда шуни айтиш керакки, миллий нифоқлардан қочиш, барқарорликни мустаҳкамлаш учун сабр-бардошли бўлиш, ўзаро иззат-ҳурматни қўлдан бермаслик лозим.

Рева БЕНЬЯМИНОВА, Бухоро-яҳудийлари маданий марказн раиси ўринбосари:

— Марказимиз бундан тўқиз йил аввал ташкил этилган эди. Кўпчиликни ташвишлантираётган муаммолар билан биз анча илгари тўқнаш келганмиз. Дастлаб жуҳудлар ибодатхонасидан бино топдик. Китоблар тўплаб, кутубхона ташкил қилдик. «Некқадам» — «Яхши қадам» номли театр студияси вужудга келди, чунки бизнинг халқ оғзаки ижодимиз жуда бой. Ижарага олган залларда саҳна асарларини намойиш эта бошладик, лекин у ҳамма вақт ҳам чўнтагимизга мос келмасди. Шу боис кўпинча концерт дастурларимизни ибодатхонада кўрсатамиз. «Аршин малалан», «Қайнона» номли қувноқ саҳна асарларини қўйганмиз. Бироқ томошабиналаримизнинг кўпчилиги асосан кексалар. Бунга сабаб, ёшларнинг Бухоро жуҳудлари тилини билмаслигида бўлса керак.

Очиғини айтганда, маблағ масаласида анча қийналяпмиз. Лекин ўзаро ёрдам, тадбиркорлик билан бу масалани ечиш мумкин, деб ўйлайман. Марказ ишига ўз хайрияси билан ёрдам кўрсатаётганлардан жуда миннатдормиз. Лекин ўзимиз ҳам унча-мунча ишларни қила оламиз. Саҳна учун зарур бўлган либосларни кўпинча бувиларимиз сандиқларидан топамиз, ўзимиз тикамиз. Мусиқа асбобларидан эса фақат пианиногина умумий, рубоб, доира каби мусиқа асбобларимизни жамоадагилар ўзлари олиб келишади. Бухоро, Самарқанд, Навоийда ҳам шунга ўхшаш марказлар бор, бироқ ҳозирча бир-биримиздан ажралган ҳолда ишлаяпмиз. Интилишларимизни эса бирлаштиришни хоҳлаймиз.

Петр КИМ, Ўзбекистон Республикаси корейс маданий марказлари ассоциацияси раиси:

— Менинг юртдошларим ўзбек тупроғида илдиз отганларига кўп бўлгани йўқ. Биз бу ерга, тарихдан маълумки, ўз хоҳишимиз билан келган эмасмиз, аммо яшаяпмиз. Ўзбекистон биз учун қадрдон бўлиб қолди, лекин миллатнинг асосий белгиси — она тилини кўпчилигимиз йўқотдик. Маҳаллий корейсларнинг 99 фоизи ўз она тилида ўқишни ҳам, ёзишни ҳам билишмайди. Биз Ўзбекистонда 200 минг кишимиз. Республика ассоциациясидан ташқари яна 20 дан ортиқ вилоят, шаҳар ва туман корейс маданий марказлари ташкил этганмиз. Асосий мақсадимиз — она тилини ўргатиш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1992 йил июнь ойида Сеулга ва Корея Республикаси Президенти Ким Ен Самнинг шу йил июнь ойида Ўзбекистонга расмий ташрифлари Ўзбекистон ва Корея республикалари ўртасидаги алоқалар ривожига муҳим туртки бўлди. Биз Эн-Би-Си телевизион корпорацияси ҳамда Сеул университетларига мурожаат этиб, 15 минг дарслик олдик. Якшанба мактаблари, корейс тили ўргатиш курслари ташкил этдик, Корея Республикаси маориф вазири билан учрашиб, Ўзбекистонга корейс тилини ўргатувчи мутахассисларни таклиф этиш режаларини муҳокама қилдик. Бизга иккита муаллим юборишди ҳам, бироқ бу жуда кам. Қолаверса, маблағ масаласи ҳам кўндаланг бўлиб турибди. Менимча, унинг ҳам йўли бор. Маданий марказларга хўжалик тадбиркорлик фаолиятига рухсат бериш керак.

Тил масаласидан ташқари миллий урф-одат ва анъаналаримизни қайта тиклаш ҳам асосий масала бўлиб турибди. Шу мақсадда марказ қошида маросимлар хизмати ташкил этмоқдамиз. Бу миллий маданиятлар асосидир. Шунингдек, Санъат институти раҳбарияти билан келишиб, корейс драма артистлари тайёрлаш масаласини ҳал этдик. Яқинда корейс драма театрини ташкил этамиз. Ўтган йили Шарқшунослик институтларига мурожаат этиб, 15 минг дарслик олдик. Якшанба мактаблари, корейс тили ўргатиш курслари ташкил этдик, Корея Республикаси маориф вазири билан учрашиб, Ўзбекистонга корейс тилини ўргатувчи мутахассисларни таклиф этиш режаларини муҳокама қилдик. Бизга иккита муаллим юборишди ҳам, бироқ бу жуда кам. Қолаверса, маблағ масаласи ҳам кўндаланг бўлиб турибди. Менимча, унинг ҳам йўли бор. Маданий марказларга хўжалик тадбиркорлик фаолиятига рухсат бериш керак.

Тил масаласидан ташқари миллий урф-одат ва анъаналаримизни қайта тиклаш ҳам асосий масала бўлиб турибди. Шу мақсадда марказ қошида маросимлар хизмати ташкил этмоқдамиз. Бу миллий маданиятлар асосидир. Шунингдек, Санъат институти раҳбарияти билан келишиб, корейс драма артистлари тайёрлаш масаласини ҳал этдик. Яқинда корейс драма театрини ташкил этамиз. Ўтган йили Шарқшунослик институтида очилган корейс факультетлари талабалари ҳам маданиятимиз тарғиботчилари бўлишади.

Ўзбекистондаги бошқа миллатлар билан ҳам алоқаларни ривожлантириб, мустаҳкамламоқдамиз. Ахир фақат ўз қобиғига ўралиб қолиш ҳам мумкин эмас-ку! Миллий маданият марказлари ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқалар мени қувонтиради. Янги йил, Наврўз, Ғалаба кунини ўз дўстларимиз — ўзбек, қозоқ, рус каби кўплаб миллат вакиллари билан кутиб оляпмиз ва бу байрамлар ҳақиқий байналмилал байрамларга айланяпти. Шу каби татарларнинг Сабан тўйига, қозоқ оқинларининг беллашувларига борамиз. Ўзгалар маданиятини ўрганиб, маънавий бойимоқдамиз.

Абдуваҳоб ДУЛДУЛОВ, қозоқ маданий маркази раисининг ўринбосари:

— Биз ўзбек ва қозоқ ён қўшни — жон қўшнимиз. Сабаби ўзбеклар билан ёнма-ён яшаётган қозоқлар Ўзбекистоннинг кўплаб вилоятларида талайгина. Биз шундай ерларда ҳам вилоят маданий марказларини ташкил этдик. Нега? Мақсад икки халқ миллий анъаналарни сақлаш ва ривожлантиришдан иборат. Шу маънода ёшларнинг ҳаваскорлик ижодий жамоаларида қатнашаётганини ютуқларимиздан бири, деб ҳисоблайман.

Қозоғистон ва Ўзбекистон бир дарахтнинг қўш илдизи. Яқинда Ўзбекистонда биз Қозоғистон кунлари қатнашчиларини кутиб олгандик. Энди Қозоғистон ўз оғаларини чорлаяпти. Бундай дўстона алоқалар кўплаб масалаларни ечишда амалий ёрдам бериши шубҳасиз. Масалан, институтларда таълим олиш масаласини айтиб ўтиш мумкин. Бу йил Ўзбекистон ва Қозоғистон республикалари ўртасидаги шартнома асосида талабалар айирбошлаш бўйича иш олиб бордик. Марказимиз абитуриентлар учун тест имтиҳонлари топшириш курслари ташкил этди. Ўзбек институтларида қозоқ тилида имтиҳонлар топширишди. Ўқишга қабул қилинганлар ўқишни Қозоғистонда давом эттиришади. Ўз навбатида қозоғистонлик ўзбек ёшлари ҳам бу ерга ўқишга келишади.

Ишларимизда муаммолар ҳам мавжуд. Улар ҳақида ҳамкасбларим айтиб ўтишди. Маданий марказлар доирасида хўжалик фаолиятини ривожлантириш ҳақидаги таклифларни қўллаб-қувватлайман.



Сергей ЗИНИН, рус маданий маркази раиси:

— Республикадаги кўплаб маданий марказлар орасида энг ёши Адлия вазирлиги томонидан шу йилнинг март ойида рўйхатга олингани рус маданий марказидир. Ҳозир ташкилий масалаларни ҳал этяпмиз. Рус маданий марказининг маънавий ва маданий талабларининг бир қисми давлат томонидан қондирилмоқда. Рус тилида саҳна асарлари ва фильмлар намойиш этилмоқда, газета ва журналлар нашр қилиняпти. Турли-туман ахборотлар олиб турибмиз. Аммо ўзга миллатлар, маданиятлар, тилларга ҳурмат билан қарашни кучайтиришимиз керак. Чунки ҳозир турли соҳаларда илгариги алоқалар қисқариб бормоқда. Бу ўринда обуна бўйича адабиётлар олиш масаласини эслаб ўтиш кифоя. Биз шундан мамнунмизки, дастлабки ташаббусларимиз руслар орасида қўллаб-қувватланяпти. Жумладан, Ўзбекистон мустақиллигининг уч йиллигига бағишланган халқ ижодиёти фестивалида қатнашдик. Концерт, кўргазма намойиш этдик. Уларда Тошкентдаги ҳаваскорлик жамоаларининг фақат бир қисмигина иштирок қилди. Кейинги фестивалларда Навоий ва Бухоро, Бекобод ва Ангрен, Олмалиқ ва чирчиқлик иқтидорли ёшлар ҳам қатнашишларига имонимиз комил. Биз миллий урф-одат, анъана, маросимларни сақлаб қолишга интиляпмиз. Марказимизда Масленница, яъни қишни кузатиш байрамини нишонладик. Унинг қандай ўтишини кўпчилик биринчи марта кўрди. Бу байрам ғояси билан Наврўзга ҳамоҳанг, Тошкентда илк бор словян ёзуви кунини нишонладик. Православ ибодатхонаси вакиллари алифбомиз яратувчилари улуғ Кирилл ва Мефодия ҳаёти, фаолияти ҳақида сўзлаб беришди. Байрамда диний мусиқа хор ижросида янгради ва кўпчилик учун миллий рус маданиятининг бу қисми ҳам янгилик бўлди. Ишимизга иложи борича кўплаб фаолларни жалб этишга ҳаракат қиляпмиз. Миллий маданият марказлари турли миллат вакиллари яқиндан алоқа қиладиган жой бўлиши тарафдоримиз. Шундай бўлади ҳам. Келишувнинг бир банди ҳозирнинг ўзидаёқ амалга оширилмоқда. Ушбу ёзда Томск политехника институтига тошкентлик талабалар қабули ўтказилди. Улар ҳозирча саноқли. Октябрь ойида эса марказимиз қошида Сибирь ва Поволжье техника институтларига кирувчилар учун тайёрлов курслари очамиз. Улар билан тахминий битимлар туздик. Унга кўра талабаларимиз Россия институтларида ётоқхоналар билан таъминланади, стипендиялар ҳам олишади. Ўзбекистон техника институтларида ҳам чорак ўрин рус тилида сўзлашувчиларга ажратилган. Рус тили олий таълимда халқаро тил сифатида сақланиб келмоқда.



Левам ЮСУПОВ, Тошкентдаги уйғур маданияти маркази раиси:

— Ёзнинг бошларида мен марказимиз аъзолари йиғган инсонпарварлик ёрдамини олиб, Хитойнинг Синьцзян-Уйғур мухтор туманида зилзиладан зарар кўрганлар ҳузурига бордим. Хитойда ҳали уйғурлар билан алоқа амалда тикланмаганди. Уш бу сафар Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти йўли билан ташкил этилди, «Узинтранс» бизга пешвоз чиқиб, катта юк ортадиган машина ажратди, харажатларини тўлади. Шу тариқа чегара пунктига қадар ўз йўлимиз билан бордик. У ерда юкларни тушириб, Хитой Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамияти юборган машиналарга ортдик. Шундан сўнг кўзланган манзилга йўл олдик.

Зилзиладан зиён кўрганларга жами 17 миллион сўм купонлик чойшаб, тўшак, болалар кийими, калиш ва ҳоказоларни тарқатдик. Маданият марказимиз ватандошларимизга яна бир бор имкон қадар ёрдам кўрсатиш ниятида. Ҳозир маблағ ва кийим-кечаклар йиғишни зътомонидан қулай шарт-шароитлар яратиб берилди.

Қонусбой УРАЗБОЕВ Тошкентдаги қорақалпоқ маданияти маркази раиси ўринбосари:

— Қорақалпоқ халқи Ўзбекистон доирасида мухториятга, ўз давлатчилигига эга. Бироқ, бепоён кенгликларда, жанубда яшовчи биз Қорақалпоғистондан олисдамиз. Натижада бизнинг олдимизда ҳам бошқа маданият марказлари дуч келаётган муаммолар турибди. Тил ва урф-одатларимизни сақлаб қолиш, адабиёт ва санъатни ривожлантириш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватламоғимиз зарур.

Марказимиз 1991 йил май ойида ташкил этилган. Низом ва Дастуримиз мавжуд. Томошабинларни ўз қўшиқ ва рақслари билан бирлаштирадиган ажойиб жамоа — ҳаваскорлик дастамиз бор. Марказда она тилини ўқитиш йўлга қўйилган. Араб тилидан ҳам сабоқ берилади.

Биз Тошкентда туриб Оролбўйи ташвишлари ҳақида сўзлашга интиламиз. Ўзбекистон телевиденияси, республика радиоси, Москванинг «Останкино» телеканали кўрсатувларида қатнашдик, Қорақалпоғистон Республикасининг Тошкентдаги элчихонаси билан янада мустаҳкам алоқалар ўрнатиш ишимизни фаоллаштиришга ёрдам беради, деб ўйлаймиз.



Собитхон ҚУРБОНОВ, «Ориёно» тожик маданияти маркази раиси:

— Турли миллат вакиллари бўлган бизнинг барчамизга Ўзбекистон Конституцияси бир хилдаги ҳуқуқ ва эркинликлар, қонун олдида тенгликни яратиб ва кафолатлаб қўйибди. Республиканинг Асосий Қонунида: «Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида яшайдиган бошқа халқлар вакиллари уларнинг дардларига шерик эканликларини, ҳамиша ёрдам беришга интилаётганликларини яхши билади.

Бизнинг давлатимиздаги барқарорлик нимадан? Мен бу ҳақда кўп ўйлайман. Жонажон Ўзбекистонимизда одамлар бир-бирларини яхши тушунадилар, бизни қуруқ сўздан иборат ташвиқот эмас, балки республика раҳбариятининг етти ўлчаб бир кесилган оқилона сиёсати бошимизни қовуштириб турибди. Натижада биз чинакам тенглик муҳитини ҳис этяпмиз ва Ватан тақдири учун ўзимизни баб-баравар масъул деб биламиз, бир-биримиз учун яқин ҳамда керакли эканлигимизни яхши англаймиз.



Йозас ДЕРВИНИС, Литва маданият маркази раиси:

— Марказимизнинг бош вазифаларидан бири — Тошкентда яшайдиган литвликлар билан уларнинг тарихий ватанида яшайдиган литвликлар ўртасида мустаҳкам алоқалар ўрнатишдан иборат. Ҳозирги кунда бу вазифа муваффақиятли уддаланяпти. Республика миллатлараро маданият марказининг кўмаги билан биз Литва заминида бўлиб қайтдикгина эмас, балки у ерда 1,5 мингдан зиёд кишини бирлаштирувчи ўзбек ва қирғиз жамоалари билан алоқа ҳам ўрнатдик.

Шу баҳорда Литвага бўлган сафаримиз ҳали хотирадан кўтарилгани йўқ. Маҳаллий ўзбеклар билан қизғин учрашувларимизни яхши эслайман. Улар биздан Ватанда ишлар қандай кетяпти, деб сўрадилар. Саволларига батафсил жавоб бердим.

Менинг Литвага сафарим у ердаги ўзбекларнинг бирлашишига — ўз жамоаларини ташкил этишларига туртки бўлди. Суҳбатлар чоғида барча ўзбеклар адабиётлар билан ёрдам беришни илтимос қилдилар. Йиллар давомида она тилида адабиётлар ўқий олмасликларини гапирдилар. Ахборотлар, газета ва журналлар йўқ. Нима ҳам дердик, ёрдам берамиз. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас.

Республика Маданият ишлари вазирлигининг «Маънавият ва маърифат» республика жамоатчилик жамғармаси орқали биз Литвага ўзбек тилидаги адабиётлар, газета ва журналлар етказишни ташкил қилишимиз зарур. Бизга эса у ердагилар Литва тилидаги нашрларни етказишда кўмаклашишни ваъда қилишмоқда.

Фуат АҲМАДУЛЛИН, Татар жамоатчилик маданият-маърифат маркази президенти:

— Меҳмонларимизнинг кўзларига ёш қалқди — айни куз палласи бўлса-да, томошабинлар уларни гулларга кўмиб ташлашганди... Бу ўтган йилнинг ноябрь ойида бўлганди. Таклифимизга кўра, Татаристоннинг Мамадиш туманидан келган санъат усталари Тошкент, Чирчиқ, Олмалиқ шаҳарларида концертлар беришганди. Худди шунингдек, томошабинларнинг Ўзбекистонда яшайдиган татар артистлари ва бадиий ҳаваскорлари билан учрашуви ҳам илиқ ўтди. Улар халқ ижодиёти фестивали доирасида «Туркистон» саройида концерт беришганди. Томошабинлар уларни ўринларидан туриб олқишлашди, анчагача тарқалишмади.

Бундай концертларни ташкил этиш — фаолиятимизнинг бир қисмигина, холос. Марказимиз тўрт йилдан бўён иш олиб боряпти. Амалда биз ишимиздаги бош йўналишларни аллақачон аниқлаб олганмиз. Концертлар уюштириш, миллий санъатни тарғиб этиш яхши. Аммо бизни бошқа бир масала ўйлантирмоқда. Бу йил даврий нашрлар масаласида бироз қийинчилик сезилмоқда. Республикалар ўртасидаги тўловлар ўтмаётгани боисидан шартнома тузилмай қолганди. Мана, ҳозир янги обуна мавсуми бошланяпти. Биз Татаристон ва Ўзбекистон алоқачилари бу сафар ўзаро келишиб оладилар, деб умид қиламиз.

Телерадиокомпанияда татар редакцияси ташкил этилганидан хурсандмиз. Ҳафтада 4 марта татар қўшиқлари, сўнгги ахборотлар, она тилида суҳбатлар янграмоқда. Келгусида эса яна бир қанча масалаларни ҳал этиш — плакатлар, корхоналарда деворий газеталар чиқаришни ташкил этиш, маҳаллий ва республика газеталарида ўз мақолаларимиз билан қатнашишни уюштириш, бинони ижарага олиш лозим бўлади. Биз яқиндан шуғулланаётган яна бир муаммо бу — татар тилида ўқитиш масаласи.



Умар САЛМОНОВ, Турк маданияти маркази раиси:

— Илгари ҳеч қаерда йиғилиш имкони йўқ эди, жуда тор доирадагина мулоқот қилардик. Эндиликда мустақилликка эришилганидан сўнг кўп нарса тубдан ўзгарди. Ҳозир маданият марказимиз бор, унда кутубхона, вокал-чолғу ва халқ оғзаки ижоди дастаси, рақс гуруҳи ишлаб турибди. Туркия Маданият вазирлиги китоблар олиб келишда, «Акатекс» ва «Туркдиёр» турк фирмалари либослар олишимизда кўмаклашди. Яқинда Санъат саройида Озарбайжон маданият маркази билан биргаликда концерт бердик. Концертимизни томоша қилгани икки мингдан зиёд томошабин ташриф буюрди!

Ўзбекистонда туркларнинг ғуж бўлиб яшайдиган жойларида тил ўргатиш курсларини ташкил этиш зарур. Биз дастлаб шундай курсни республика Маданият жамғармаси ҳузурида ташкил этдик ва маданият марказимиз ҳам худди шу ерда жойлашган. Бир ярим йил давомида бу ерда икки юздан зиёд киши тилдан сабоқ олди. Биз жамоатчилик асосида ТошДУ ўқитувчиларини, Тошкентда ишлайдиган туркиялик мутахассисларни дарс беришга жалб этдик.

Ўтган йилдан бошлаб Шарқшунослик институтининг Шарқ факультетида турк кафедраси ташкил этилди. Келгусида ана шу факультетни битириб чиқувчилардан умидимиз катта. Бундан ташқари, ёшларимиздан бир неча киши, Туркияда ўқишяпти, ҳозирги пайтда талабаларимиз учун қўшимча ўринлар ажратиш масаласи келишилмоқда.

Ўзбекистоннинг бошқа давлатлар билан алоқалари равнақ топаётганлиги бизни ниҳоятда қувонтирмоқда. Муқаддас заминимиз, жонажон Ўзбекистонимизда ҳамиша тинчлик, осойишталик барқарор бўлишини истаймиз! Тинчлик ҳукмрон бўлган жойда тараққиёт ҳам бор, иқтисодиёт ва маданият ҳам равнақ топаверади. Турк маданият маркази, Ўзбекистонда яшайдиган турклар турли миллатга мансуб барча ўзбекистонликларни улкан байрам — муқаддас мамлакатимиз Ўзбекистон Мустақиллигининг уч йиллиги билан чин дилдан қутлайдилар.

Нарзулла ЖЎРАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг масъул ходими:

— Бугун ёш, мустақил Ўзбекистонда бир маҳалладаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва соғлом ишлаб чиқариш жараёнининг мавжудлиги, осойишталик, миллатлараро тотувлик ва қон-қардошликнинг барқарорлиги дунё аҳлига сир эмас. Бунга ўтиш даврининг табиий ҳолдаги мураккабликлари, зиддиятлар ва лўртаналари пайтида қандай қилиб эришилди?

Энг аввало, мамлакат Президенти ва ҳукумати мустақилликнинг биринчи кунларидаёқ ўз позициясини очиқ-ойдин баён этди. Жумладан, миллий равнақ, миллатлараро муносабатларнинг соғломлигини қатъий ва тўла таъминланиши чоралари кўрилди. Инсонпарвар, ҳуқуқий-демократик давлатни барпо этиш, фуқаролар жамиятини вужудга келтириш ғояларини илгари сурди. Президент ўзининг «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» номли рисоласида «Эндиликда инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқи ҳамда эркинликлари муқаддас саналиб, улар томонидан кафолатланади», — деб ёзади.

Маълумки, республикамиз Конституциясида миллати, ирқи, ижтимоий келиб чиқиши ва диний мансублигидан қатъй назар Ўзбекистонда яшайдиган ҳар бир кишининг тенг ҳуқуқлиги фуқаролиги кафолатлаб берилади. Энди ҳамма гап бизнинг ҳамжиҳатлигимизда, ҳамфикру ҳамкорлигимизда. Бу эса амалда мавжуд. Бугунги давра суҳбатимиз ҳам ана шу ҳаммаслакликнинг бир натижаси.

Меҳмонларимиз билан таҳририятда ўтказилган мулоқот бениҳоя қизиқарли бўлди. Биз уларнинг байрам табрикларига қўшиламиз. Миллий маданият марказларининг раҳбарлари кўтарган муаммолар эса бир кунда ҳал бўладиган иш эмас, албатта. Улар аста-секин ҳал этилиши аниқ. Энг муҳими, бу — умумий ишимизга ўзини сафарбар эта олиш, ўзаро бир-бирига ёрдам бериш.

Давра суҳбати қатнашчилари жамиятимизнинг шу бугунги мухтасар бир миллий андозасини ташкил этгандай бўлдилар. Диққатга сазовор жиҳати шундаки, улар бир-бирларини яхши билишлари, дўст эканликлари, турли миллий маданият жамоалари ва марказларнинг олиб бораётган ишларидан хабардор бўлиб боришаётгани, бу ишларда фаол қатнашаётганликларини намоён қилишди. Улар ўртасида ҳеч қандай девор, тўсиқ ва ғовлар йўқ. Аксинча, бу кишилар бир-бирларини яхши тушунадилар ва баҳамжиҳат иш олиб бориб, бир-бирларини тўлдирадилар.

Эътиборга молик яна бир томони шундаки, ушбу миллий маданият марказларининг бошида обрўли, ҳурматли, хизмат кўрсатган, шунингдек, фақат ўз жамоаси доирасида эмас, балки республикада, ҳатто чет элларда яхши маълум бўлган инсонлар туришибди. Шунинг ўзи ҳам республикамиздаги барча халқларга тенг ҳуқуқ, кенг имкониятлар ҳамда орзу-ниятларини рўёбга чиқариш учун маблағ бериб қўйилганлигидан ёрқин далолат.

Зеро, ҳаммамизнинг еримиз бир, тақдиримиз муштарак. Шу боисдан ҳам юртимизда тинчлик ва тўкин-сочинлик, бахт-саодат ва равнақ барқарор бўлиши учун барчамиз бирдай қайғурмоғимиз лозим.

• *Шатранж оламида*

ЎЙИНДАН КЕЙИНГИ ГАПЛАР

● Прагадаги халқаро турнир иштирокчиси Алёхиндан бир мухлис дастхат сўрайди.

— Бунинг учун минг крон тўлашингиз керак, йигитча,— дейди мийиғида кулиб жаҳон чемпиони. Буни ростга йўйган мухлис пулни олиб келиб беради. Шунда Алёхин пулни мутасаддиларга топшириб: ўша куни биринчи бўлиб ким ютиб чиқса, соврин тариқасида ўша иштирокчига беришларини айтади. Соврин Савелий Тартаковерга тегади.

● 1935 йилги иккинчи Москва халқаро турнир қатнашчиси жаҳон экс-чемпиони Капабланка бир неча тахтада бир йўла ўйин сеанси ўтказарди. Виктор Батуранскийга қарши ўйинда аҳволи мушкуллаша бошлайди.

— Ремиз,— дейди Капабланка илтижоли оҳангда. Ҳа, у дурангга таклиф қиларди. Бунинг маънисига етмаган Батуринский, чемпион таслим ишорасини қиляпти шекилли, деб жилмайиб кўяди. Буни розилик аломати, деб тушунган сеансчи доналарни йиғиштириб, навбатдагисига ўтиб кетади.

Тил билмасликнинг «фойдаси» шу-да.

● Жаҳон чемпиони Эм. Ласкер АҚШнинг Бостон шаҳрида бир йўла кўп тахтада сеанс берарди. Ўйинчилардан бирининг аҳволи оғирлашиб қолади. У, мендан нима кетди, қабилида иш тутиб, айланиб яна рўпарасига келган сеансчига дуранг таклиф этади. Ласкер, жасоратингга балли, дегандек қулиб таклифга розилик беради. Сеансдан сўнг ўша шаҳмат мухлиси Ласкерга «таслим бўлинг» демаганидан кўп пушаймон бўлибди.

● 1934 йили Швейцариянинг Цюрих шаҳрида ўтган халқаро турнирнинг навбатдаги ўйинларидан бирида доктор Бернштейн катта устунликка эришгач, янглишибди ва аранг дуранг қилибди. Ўша вазиятни бир гуруҳ иштирокчиларга кўрсатар экан; тентак бўлмасам, шуни ҳам ютолмасмидим, дебди.

— Зап антиқа гапни айтдингиз,— дебди кулиб Ласкер.

— Нима?! Эътирозлари борми?— дебди у.— Бўлмаса, бўйнимга қўйиб беринг.

Ласкер бир парча қоғоз олиб ёза кетибди: Справка. Доктор Бернштеннинг илтимосига кўра шуни тасдиқлайманки, у ҳақиқатан ҳам шахматчиларнинг энг овсаридир. Эм. Ласкер.

ЎЗИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ

Шарти: Оқлар бошлаб 4 юришда мот қилади.

Мамажон МУҲИДДИНОВ.

● Футбол. «Динамо» (Тбилиси) футболчилари УЕФА кубоги учун учрашувларда иштирок этмоқдалар.

Қизиғи шундаки, ўтган йили мустақил Грузиянинг футбол жамоаси сифатида мазкур соврин учун курашда иштирок этишга жазм этган динамочилар ўйиндан четлаштирилган эди. Боиси, меҳмондўстликни «ўрнига»

«ҚУРУҒИ»НИ БЕРМАЙДИГАН БЎЛИШДИ

қўйишга ҳаракат қилган бу жамоа мутасаддилари ўйинни бошқариши лозим бўлган туркиялик ҳакамни «қўлга» олиб, унга бир неча минг долларни қистирмоқчи бўлишган. Орадан бир йил ўтди. Динамочилар яна УЕФА кубоги учун курашмоқдалар. Динамочилар устози Гиви Нодия эса ўтган йилги воқеани «аччиқ сабоқ», деб баҳоламоқда.

Ҳафталик кўрсатувлар

Душанба, 22. VIII

ЎзТВ I

17.55 Истиқлол жамоли.
18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.15 «Тараддуд». Осиё спорт ўйинлари олдидан.
18.30 «Ёшлик» студияси. «Фазилат».
19.00 «Оламни асранг!».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Бозор иқтисодиёти сабоқлари».
20.10 «Умрим баҳори». Лирик мусиқий дастур.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Истиқлол жамоли.
21.30 Эълонлар.
21.35 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. «Чўлпон». «Кеча ва кундуз». Видеофильм. 1-қисм.
22.55 — 23.20 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).

«Тошкент» студияси таништиради:

19.50 «Болалар».
20.10 «Яна театр ҳақида».
20.40 «Фалакнинг гардиши».
20.55 «Студиямиз меҳмони».
21.15 «Бедорлиқ».
21.45 «Шунчаки саргузашт».
22.05 — 22.35 «Ҳафтанома» (рус тилида).

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.00 — 19.55
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 «Тонг».
18.00 «Тиғиз пайт».
18.25 «Шаддод Роза». Телесериал.
18.45 «Агар...». Кўрсатувни В. Познер олиб боради. 2-кўрсатув.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.30 А. И. Солженицин билан учрашув.
20.50 «Россия қанотлари». Тушинода Авиация байрами.
21.20 «Останкино» хит-паради».
22.10 — 23.40 «Гавда». Бадиий фильм (М. Горький номли киностудия).

Сешанба, 23. VIII

ЎзТВ I

6.30 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
8.30 Истиқлол жамоли.
8.35 «Ғаройиб ҳодиса». Бадиий фильм.
9.40 Лотин алифбоси.
10.20 Таэквандо бўйича жаҳон чемпионати.
11.05 «Дил тароналари». Муғиқий дастур.
11.50 «Ҳилол» студияси. «Бор барака».
12.05 «Ғазалхон ёшлигим».
12.40 — 14.00 Чўлпон. «Кеча ва кундуз». Видеофильм. 1-қисм.
17.55 Истиқлол жамоли.
18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.15 «Олам нурга тўлаверсин». Болалар учун концерт.
18.50 «Тўрақўрғонлиқ фермер». «Ўзбектелефильм». Премьера.
19.05 Бир актёр театри. Иржи Марек. «Она сўзлайди».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Бевосита мулоқот. «Солиқ ва бож — хазинамиз таянчи».
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Истиқлол жамоли.
21.30 Эълонлар.
21.35 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. «Гулла, яшна, мустақил диёр!». Экранда — Навоий вилояти.
22.35 Экран куйлари.
23.00 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. Чўлпон «Кеча ва кундуз». Видеофильм. 2-қисм.
00.05 — 00.30 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).

«ОМАД» таништиради:

19.50 «Мультфейерверк».
20.35 «Эм-Ти- Ви» оҳанглари ва эълонлар.
21.00 «Видеогид».
21.20 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва эълонлар.
22.00 — 24.00 «Кинонигоҳ».

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.00 — 19.55
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.25 — 23.35 «Хавфли қўниш». Бадиий фильм.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 «Тонг».
18.00 «Тиғиз пайт».
18.25 Спорт шарҳи.
18.55 «Майя-94». 1-халқаро балет танлови совриндорларининг якунловчи концерти. Санкт-Петербургдан кўрсатилади.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.30 «Илк манбадан».
20.40 «Майя-94» 1-халқаро балет танлови совриндорларининг якунловчи концерти (давоми).
21.55 — 23.40 Футбол. Фёдор Черенковнинг хайрлашув матчи. «Спартак» (Москва) — «Парма» (Италия).

Чоршанба, 24. VIII

ЎзТВ I

6.30 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
8.30 Истиқлол жамоли.
8.35 Болалар учун фильм. «Индинги кун жадвали».
10.00 «Китоб ва ҳаёт».
10.30 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
10.45 Болалар учун. «Умид учқунлари».
11.15 Чўлпон. «Кеча ва кундуз». Видеофильм. 2-қисм.
12.20 — 13.20 «Терим арафасида». Пахтакорлар учун кўрсатув ва концерт.
17.55 Истиқлол жамоли.
18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.15 Болалар учун «Чаман гулдастаси».
18.55 «Интилганга толе ёр».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Дарё мавжидан чирой олиб». Телеочерк.
20.25 Бухоро вилояти филармониясининг яккахон Баҳодир Ражабов куйлайди.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Истиқлол жамоли.
21.30 Эълонлар.
21.35 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. Замонавий ўзбек қўшиқларининг «АНОР» телевизион танлови.
22.35 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. Чўлпон. «Кеча ва кундуз». Видеофильм. 3-қисм.
23.40 — 00.05 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).

«Тошкент» студияси таништиради:

19.50 «Спринт».
20.15 «Қалбингда қуёш порласин».
20.45 «Услуб».
21.15 «Фазога йўл».
21.40 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. «Вилоятим ҳикояси».
22.25 — 23.35 Тижорат канали «Дзинтарс» Ўзбекистонда.

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.00 — 19.55
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.25 — 23.40 «Барча постлар диққатига». Бадиий фильм.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 «Тонг».
18.00 «Шаддод Роза». Телесериал.
18.35 «Ер шари бўйлаб». Шимолий қутбдан кўрсатув.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.30 «Монолог».
20.40 Украина эстрадаси юлдузлари сиз учун куйлайди.
21.35 — 00.10 «Барча ўзимизникилар номидан». Бадиий фильм (Франция — Канада).

Пайшанба, 25. VIII

ЎзТВ I

6.30 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
8.30 Истиқлол жамоли.
8.35 «Беназир санъаткор». Телефильм.
8.55 Болалар учун театр. «Олтин жўжа».
9.55 «Хусусийлаштиришнинг янги йўналишлари».
10.25 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
10.40 «Ёшлик» студияси. «Ойдин орзулар».
11.05 «Турон тулпорлари».
11.35 «Ватан мадҳи». Концерт.
12.05 «Нигоҳ».
12.55 — 14.00 Чўлпон. «Кеча ва кундуз». Видеофильм. 3-қисм.
17.55 Истиқлол жамоли.
18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.15 Болалар учун концерт.
18.45 Шеърий дақиқалар. Мирмуҳсин.
18.55 Юнус Ражабий номидаги мақомчилар ансамблининг концерти.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. «Ўзбек давлатчилиги тарихи». 3-кўрсатув.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Истиқлол жамоли.
21.30 Эълонлар.
21.35 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. «Гулла, яшна, мустақил диёр!». Экранда — Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти.
22.55 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. Чўлпон. «Кеча ва кундуз». Видеофильм. 4-қисм.
24.00 — 00.25 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).

«ОМАД» таништиради:

19.50 «ОМАД» тақвими.
20.00 «Жозиба».
20.20 «Бир шингил ҳангома».
20.30 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
20.50 Видео янгиликлари.
21.15 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва эълонлар.
22.00 — 24.00 «Кинонигоҳ».

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.00 — 19.55
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 «Тонг».
18.00 «Тиғиз пайт».
18.25 «Шаддод Роза». Телесериал.
18.55 «Серпантин». М. Захаровнинг муаллифлик кўрсатуви.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.30 «Москва — Кремль».
20.55 С. Соловьевнинг «Бекат назоратчиси» фильми («Мосфильм»).
22.15 — 22.55 «Биз ўз вақтида келдик». В. Павлов.

Жума, 26 VIII

ЎзТВ I

6.30 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.
8.30 Истиқлол жамоли.
8.35 «Қайлиқ ўғирлаш». Бадиий фильм.
9.40 «Соғлом авлод учун».
10.10 «Ёшлик» студияси. «Эзгуликка интилиб».
10.30 «Уммондан томчи».
11.00 Болалар учун. «Гўзал ёз хотиралари».
11.35 Чолғу куйларидан концерт.
12.05 «Қувноқ стартлар».
12.50 — 13.55 Чўлпон. «Кеча ва кундуз». Видеофильм. 4-қисм.
17.55 Истиқлол жамоли.
18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.15 «Янги ўқув йили арафасида».
19.00 «Фан ва мустақиллик».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Хайриддин Салоҳ. «Ўйларим».
20.10 «Санъатимиз фахрийлари». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Маҳмуд Юнусов.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Истиқлол жамоли.
21.30 Эълонлар.
21.35 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. «Адолат қомуси». 1-кўрсатув.
22.05 «Фармон ва ижро». вилоятлар телекўприги.
23.05 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. Чўлпон. «Кеча ва кундуз». Видеофильм. 5-қисм.
00.10 — 00.35 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).

«Тошкент» студияси таништиради:

19.50 «Тоғлар чорлайди».
20.20 «Бумеранг».
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 «Тошкент оқшомлари».
22.25 — 23.40 «Қайнона». Бадиий фильм.

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
18.00 — 19.55
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.25 — 23.45 «Бой ила хизматчи». Бадиий фильм.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 — 8.00 «Тонг».
17.55 «Тиғиз пайт».
18.20 «Шаддод Роза». Телесериал.
18.50 «Мўъжизалар майдони».
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.30 «Ҳафтанинг машҳур кишиси».
20.50 — 22.40 «Детективлар клуби»да Анн Жирардо «Севги савол остида» фильмида (Франция).

Шанба, 27. VIII

ЎзТВ I

6.30 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
8.30 Истиқлол жамоли.
8.35 «Телевизорни ўчиришни унутманг!» Бадиий фильм.
9.50 «Футбол майдонларида».
10.20 «Кинокўрсатувлар почтасидан».
11.00 Истиқлол қўшиқлари.
11.30 «Ёшлик» студияси. «Талабалик йилларим».
12.10 «Менинг маҳаллам».
12.55 Бахши шоирлар. Айтишув.
13.40 — 14.45 Чўлпон. «Кеча ва кундуз». Видеофильм. 5-қисм.
17.55 Истиқлол жамоли.
18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 Усмирлар учун. «Чинорлар ва ниҳоллар».
18.40 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Ҳуқуқ» ҳимоячилари.
20.25 «Ҳилол» студияси. «Бор барака».
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Истиқлол жамоли.
21.30 Эълонлар.
21.35 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. «Адолат қомуси». 2-кўрсатув.
22.05 «Қалб садолари». «Туркистон» саройидан ёзиб олинган концерт.
23.00 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:

9.00 «Мультфейерверк».
9.45 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва эълонлар.
10.10 «Видогид».
10.30 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва эълонлар.
11.10 «Кинонигоҳ».
12.40 «ОМАД» тақвими.
12.50 «Жозиба».
13.10 «Бир шингил ҳангома».
13.20 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
13.40 Видео янгиликлари.
14.05 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва эълонлар.
14.55 «Кинонигоҳ».
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).

«Тошкент» студияси таништиради:

19.50 Болалар учун. «Табассум».
20.30 «Дарвоқе».
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 «Антенна».
21.45 «Эсдалик учун дастхат».
22.05 «Кичик дебют».
22.20 «Шаҳар уйқуга кетганда».
22.40 — 23.55 «Кинематограф». Чарли Чаплин фильмлари.

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
11.25 — 16.00
«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
16.00 — 17.20
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.30 — 23.55 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. «Солдат ҳақида қисса». Бадиий фильм.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.55 «Ўшангача ва ундан сўнг».
18.45 «Коламбия пикчерс» таништиради: «Айвенго». Уч серияли бадиий фильм. 2-серия.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 Янгиликлар.
20.45 «Коламбия пикчерс» таништиради: «Комиссар». Телесериал. 10-серия.
21.45 — 23.45 «Ялта — Москва — Транзит-94». Эстрада қўшиқлари ёш ижрочиларининг IX телевизион танлови.

Якшанба, 28. VIII

ЎзТВ I

6.30 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонги дам олиш кўрсатуви.
8.30 Истиқлол жамоли.
8.35 «Маҳобҳорат». Кўп қисмли телевизион бадиий видеофильм (Ҳиндистон). 81 — 82-сериялар.
10.05 «Ёшлик» студияси. «Аскар қўшиқлари».
11.10 Ўқитувчиларнинг анъанавий Август кенгашида.
11.50 «Халқ ижодиёти». Оилавий ансамбллар, лапар ва катта ашулалар Республика танлови ғолибларининг концерти.
12.20 «Ҳуқуқларингизни биласизми?»
12.35 Ҳ. Имомбердиев. «Сехрли ҳарфлар ороли». Республика қўғирчоқ театрининг спектакли.
13.25 «Илҳом» телевизион клуби.
14.05 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. «Сенга таъзим, Она-юртим».
15.05 — 15.35 Шахтёрлар кунига бағишланган кўрсатув.
17.55 Истиқлол жамоли.
18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Мультипанорама».
18.50 «Диққат: дебют». Телевизион новеллалар театри. Муталлиб Содиқов. «Мона Лиза».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ҳафтанома» (рус тилида).
20.00 Эълонлар.
20.05 «Ойнаи жаҳонда...»
20.25 Носир Алимаҳсумов куйлайди.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ҳафтанома».
21.30 Истиқлол жамоли.
21.35 Эълонлар.
21.40 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА. «Адолат қомуси». 3-кўрсатув.
22.10 «Ёшлик» студияси. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
23.35 — 00.05 «Ҳафтанома».

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:

17.00 «Совға».
17.30 «4/8». Мусиқали кўрсатув.
17.45 Эълонлар.
17.50 Видео — «О».
19.30 Эълонлар.
19.35 «Курьер».
19.50 «Рок ҳақида».
20.20 Эълонлар.
20.25 «Шарқ дурдоналари».
21.00 «Даракчи».
21.10 Эълонлар.
21.15 Видео — «О».

ЎзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
12.50 — 16.00
«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ
18.00 — 19.55
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.20 — 23.25 «Мовий шаҳарча». Фильм-концерт.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.50 «Баскетбол жазаваси». «Ҳақиқий ажина овловчилар». Мультфильмлар.
18.50 «Бомонд».
19.05 Жан-Поль Бельмондо «Авантюристлар» бадиий фильмида (Франция).
21.00 «Якшанба». Ахборот публицистик кўрсатув.
21.50 — 23.20 «Ялта — Москва — Транзит-94». Эстрада қўшиқлари ёш ижрочиларининг IX телевизион танлови.

СОТИБ ОЛИНГ ВА ЭГАЛИК ҚИЛИНГ!

САМАРҚАНД ШАҲРИДА 1994 ЙИЛ 25 АВГУСТДА ЎТКАЗИЛАДИГАН КЎЧМАС МУЛКЛАР БЎЙИЧА КИМ ОШДИ САВДОСИГА ҚУЙИДАГИЛАР ҚЎЙИЛМОҚДА:

«ПАНЖОБ» КАФЕСИ

Самарқанд шаҳар А. Икромов кўчасида жойлашган бир қаватли бино. Пишиқ ғиштдан қурилган, умумий майдони 240 кв. м. Савдо майдони 120 кв. м. 80 ўринли. Корхона барча зарур ускуналар билан таъминланган.

Бошланғич баҳоси — 11 минг 581 сўм.

СИЕБ ҲОКИМИЯТИ БИНОСИ

(қурилиши тугалланмаган)

Самарқанд шаҳридаги Чўпон ота даҳасида жойлашган. Тўрт қаватли, пишиқ ғиштли бино. Замонавий усулда қурилиш қилинган, асосий бино қурилган, ёрдамчи биноларнинг бир қисми қурилиши тугалланмаган ва безатилмаган.

Умумий майдони 5,1 га.

Бошланғич баҳоси — 65 минг 900 сўм.

ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН НОВВОЙХОНА

Қўшработ туманида жойлашган новвойхона 4 хонадан иборат, пишиқ ғишт ва харсангтошлардан қурилган. Томи бетон плиталардан иборат.

Майдони 0,1 га.

Бошланғич баҳоси — 7 минг сўм.

РЕСТОРАН ЧОЙХОНАСИ БИЛАН

Нуробод туманидаги ресторан йўл ёқасида, «Нурбулоқ» санаторийси ёнида жойлашган.

Бошланғич баҳоси — 6 минг 807 сўм.

1-ҲАММОМ

Каттақўрғон туманидаги Пайшанба посёлкасида жойлашган. Алоҳида жойлашган иншоот 25 ўринга мўлжалланган.

Бошланғич баҳоси — 5 минг 200 сўм.

«СОРБОЗОР» ДЕҲҚОН БОЗОРИ

Бозор Иштихон тумани марказида жойлашган. Умумий майдони 604 кв. м. шундан савдо майдонини 495 кв. м. 60 ўринга мўлжалланган. Бино усти ёпилган.

Бошланғич баҳоси —100 минг сўм.

ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН ОТАХОНЛАР ЧОЙХОНАСИ

Ғузалкент туманида жойлашган.

Бошланғич баҳоси — 276 минг 280 сўм.

АВТОБУС БЕКАТИ САВДО НУҚТАСИ БИЛАН

(қурилиши тугалланмаган)

Ғузалкент туманида жойлашган.

Бошланғич баҳоси — 40 минг 533 сўм.

ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН ҲАММОМ

Самарқанд шаҳар Андижон кўчасида жойлашган.

Бошланғич баҳоси — 300 минг сўм.

Маълумотлар учун Самарқанддаги телефон: 31-23-99.

Тошкентдаги телефонлар: (3712) 68-17-55, 68-44-56.

ХУШХАБАР!

УАБ Трейдинг ЛТД

(Тошкент, Қатортол кўчаси,60, Чилонзор . Телефон: 78-30-33.)

Тошкентдаги омбордан "Поло" ва "Ричмонд" сигареталарини СОТАДИ.



BEST AMERICAN TASTE

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги огоҳлантиради: чекиш соғлиққа зararлидир!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

ТИББИЁТ БИЛИМ ЮРТИ

1994—1995 ўқув йили учун кундузги бўлимга ўқувчилар қабул қилади

Билим юрти Тошкент шаҳри ҳамда республика вилоятларининг даволаш муассасаларида ишлаш учун тиббиёт ҳамшираларини тайёрлайди.

Ҳужжатлар 28 августгача қабул қилинади.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 1-мавзе, Чилонзор кўчаси, 9-уй (2, 34, 50, 77, 94, 80, 118-автобуслар; 7, 11, 16-троллейбуслар; 9, 4-трамвайларнинг «Чилонзор» бекати. Метронинг «Ҳамза» бекати).

«Ҳамкорлик» масъулияти чекланган жамияти 1994 йилнинг 1 августидан эътиборан тугатилди. Даъволар эълон чиққандан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади.

* * *

«Гулнора» шахсий фирмаси тугатилди. Даъволар эълон чиққандан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади.

• *Тошкент темир йўл бекатларига бир назар*

БИЗ ҲАММАМИЗ ЙЎЛОВЧИМИЗ

Бу ўлкаларда поездлар Машриқдан Мағрибга томон, Мағрибдан Машриққа томон пайдар-пай қатнаб туради...

Чингиз АЙТМАТОВ.

Биз йўловчилармиз. Ерда ҳам, осмонда ҳам. Ҳатто ернинг... остида ҳам. Бу дунёнинг йўллари кўп экан. Тошли, тупроқли, бетонли, асфальт ва ҳатто темир... Уларсиз яшай олмаймиз, вассалом. Гап айланиб-айланиб умримизнинг қон томирларига ўхшаб кетгувчи темир ЙЎЛЛАРга келди.

Аввалига унинг йўриғи бошқа эди. Бизнинг, тўғрироғи, Ўзбекистоннинг сўзи ўтмас эди. Энди ўзимизники бўлди у. Катта-кичик сафарлар, юмушларимиз кўнглимизга сиғаётир. Поездларимиз Мағрибга ҳам, Машриққа ҳам жўнаб кетаётир. Бундан бошимиз осмонга етиб суюнсак арзийди. Лекин...

Йўлнинг азоби ёмон. Юрган дарё, дейдилар. Кўрган билади, кечирган билади. Ҳар куни Тошкентда кун ботаётганида неча ўнлаб поездлар чиқириб ўз манзилларига отланади. Тонг отаётганда эса яна чиқириб минг-минглаб йўловчиларни олиб кириб келади. Биров яхши ният ила пойтахтга қадам қўяди. Биров...

Ана шунда ўйлаб қоласан киши. Савол туғилади: Хўш, бугун темир йўлда аҳвол қандай? Ҳаммамиз беш қўлдай биламиз — кўнгилдагидек эмас! Нега?

Минг афсуски, сизу-биз ана шу «нега-нега»ларга Шўро замонидаям жавоб изладик. Жавоб топилмади. Бугун эса...

ҚИЕСИИ ДАЛИЛ:

ЗЕБО, йўловчи:

— Ҳозиргина «Тошкент-Китоб» поездидан тушдим. Ўн йилдан бери кетишим ҳам, келишим ҳам азоб. Шу орада қанча ўзгаришлар рўй берди. Нарх-навони қўяверинг, ҳатто тузумлар ўзгариб кетди. Аммо мен билган «Китоб» поездида ҳеч нарса ўзгармади. Аксинча яна ўша чипта дардию, учинчи қават «томоша»лари, қишда совуқ, ёзла ёниб кетувчи тирбанд вагонларнинг азоблари давом этаётир. Проводниклар қўпол. Чой қайнатиш у ёқда турсин, ҳатто одийгина чойнак-пиёла ҳам йўқ. Не дейишга ҳам ҳайронман. Менимча, битта чораси — Қашқадарё маршрутига қўшимча поезд қўйилмаса ҳеч нарса ўзгармайди...

Нажиддин УСМОНОВ, шу поезднинг бригада бошлиғи:

— Одам кўп, вагон оз. Кетишимизда 25 та ўрнига 18 та вагон билан жўнадик. Бу яна қанча асаббузарликларни судраб кетдик деганим-да.

Қийин. На илож? Имконимиз етгунича йўловчиларнинг кўнглини олмоққа интилаяпмиз. Бу энг оғир маршрутлардан биттаси.

М. УСМОНОВ, йўловчи:

— «Олтин водий»да Марғилондан келдим. Биринчи марта чиқишим эди. Аввал эшитувдим, хизмати нархига яраша деб. Анча яхшиланибди. Пулингизга ачинмайсиз. Қани энди бошқа манзилларга ҳам «Олтин водий»дек поездлар қўйилса...

БУ ГАПЛАРГА изоҳ шартмас. Ҳали юқорида айтдик, биров яхши ният билан остона ҳатлайди, бошқаси... Сафарнинг катта-кичиги йўқ. Бироқ, ҳамма қайсарлигу-эркаликларни, гаму-ташвишларни забонсиз вагонлар тортиб кетаверади. Ҳозир эрта тонгда ёки кун ботаётганда вокзалларни бир қур кузатган одам бекатларда одамлар бунчалар кўплигидан ҳайратга тушмайди, балки уларнинг ташвишларини кўриб ачинади.

Йўлга чиққан киши уйга қайтса буни кузатганлар яхшиликка йўйишмайди. Чунки хайрлашишнинг ҳам ўзига яраша юки бор-да. Шунинг учун ҳамма азоблар бўйинга олинади. Қандай бўлмасин кетиш керак! Нархи... Самолётга яқинлашсанг юрак орқага тортади. Поездга эса чипта йўқ. Қўлдан олаверинг дейсизми?

Унда эшитинг: Бугунги кунда умуман ҳар қандай поездларнинг энг йирик муаммоларидан бири — бу чипта топиш бўлиб қолди. Тўғри, бундан беш-ўн йил аввал ҳам шу масала мушкул эди. Аммо бугунга келиб унинг ҳар хил, антиқа усуллари очиляптики, кўриб, эшитиб ёқа ушлайсиз. Чиптафурушлар ҳозир жазодан қўрқмайдилар. Чунки улар билишади: бундай ҳаракатларга бериладиган жазо моддаси энди қонунда йўқ. Бекор қилинган. Нари борса мелисалар икки соат ушлаб туришади ёки уч-тўрт сўм тўлаб чиқиб кетаверади. Яхшиси, бу ҳақда шу соҳа мутахассислари айтишсин:

Донийёр ЗАҲРИДДИНОВ, Ўрта Осиё темир йўл бошқармасининг «Тошкент» йўловчи станцияси бошлиғи:

— Бизнинг айбимиз — пассажир ташиш нархини арзонлаштириб қўйганимиз. Лекин бу ўз халқимиз манфаатини кўзлаб қилинган ғамхўрлик. Энди очиғини айтай, бугун темир йўлдаги муаммолар унинг ўзидай оғир.

Аввал бизнинг поездлар Россия тарафларга борса, улар ҳам ўз навбатида биз томонга жўнатарди. Ҳозир эса у ёқдан деярли келмаяпти. Асосийси, пул масаласи ҳал этилмаса бу узилиш давом этаверади. Ҳозирча ўз аравамизни ўзимиз тортмасак қаерга борамиз? Тўғри, вагонлар эски. Чор Россияси даврида қурилган йўллардан фойдаланяпмиз. Таъмирлаш ҳам енгил кечмаяпти.

Энди шу соҳага бевосита масъул бўлганим учун сизлар айтаётган чиптафурушлик масаласига тўхталаман. Олибсотар осмондан тушмайди .У ўзимизнинг орамизда пайдо бўлади. Ҳозир бозор иқтисодиётига ўтиш даври. Ютуқлардан кўра камчиликлар кўпроқ кўринади. Шу маънода бир нарсадан куйинаман: улар ҳозир пул дардида ҳеч нарсадан қайтишмаяпти. Чипталарни қалбакиллаштиришдан тортиб, ҳатто вокзал бошлиқларининг муҳрларигача ясаб олишганига нима дейсиз? Кўрсатилган числоларни бемалол махсус игнада ўчириб, ўзгартиришяпти. Оддий йўловчи нари турсин, вагон проводниги ҳам буни сезмайди. Очиғи, бундай олғирларнинг кўпроқ ва кенгроқ фаолият кўрсатишида кассирларнинг ҳам катта айби бор. Мисол келтираман. Яқинда олдиндан билет сотиш кассасида текшириш ўтказсак, Николаева деган кассирнинг чўнтагидан Москва поезднинг 14 та чиптаси чиқди. Ишонгинг келмайди. Чунки у ўттиз йил шу соҳанинг нонини еган. Лекин нафс балоси устунлик қилди. Ишдан кетди.

Ҳозирги кунда биз бундай ноинсофларга нисбатан масъулиятни янада кучайтирдик. Яъни энди кечириш, огоҳлантириш деган гаплар йўқ. Бўшатилади, вассалом! Яқиндагина яна саккиз кишини худди ана шундай айблари учун ишдан ҳайдадик.

Яна бир янгилик: аввал йўловчиларга 45 кун олдин муддатда билет сотилар эди. Бу ҳам ўз-ўзидан маълумки, олибсотарлар учун қулайлик туғдирарди. Шу муддатни энди 20 кунга туширдик. Ахир ҳар қандай одам 45 кунни қўйинг, эртага нима бўлишини билмайди-ку?

Очиғини айтай, Ўзбекистон кичкина давлат эмас. Дунё таниляпти. Келди — кетдимиз кўп. Ҳоҳо ўйлаб қоламан, Бизнинг мамлакатимиз ичкарисида юриб турган поезд вагонлари билан чет элларга, буёғи Россия ҳудудига кириб бориш қанчалар қулгили. Ана шу масалани тезроқ ҳал қилмасак кечикамиз.

Анвар БАДАЛБОЕВ, Республика Ички ишлар вазирлиги транспорт бошқармаси бошлиғи:

— Чайқовчи-ю каззобнинг миллати йўқ. Шу жумладан, чипта билан олди-берди қиладиганнинг ҳам. Унинг юзи, сўзи, иймони битта — пул! Қандай қилсам бировни алдаб-сулдаб пул оламан дейди. Бу масала анча йилларидан бери кўтарилади. Ҳар хил чоралар белгиланди. Бўлмади. Баттар авжига чиқди. Бугунга келиб эса уларнинг фаолияти янада кучайди. Энди шу масалага чуқурроқ ёндошиб, бирор қарорга келмасак, яна ютқазамиз. Чунки булар келиб-келиб халқимизнинг елкасита тушадиган юк. Улар ўртасида норозилик туғдиряпти ҳам.

Яқинда ҳукуматимиз бензин ва дори билан ноқонуний шуғулланганларнинг танобини тортиб қўйиш юзасидан кескинроқ чоралар кўришга мажбур бўлди. Бунинг бошқача адолатли йўли йўқ эди. Чипта масаласи ҳам шундай. Кичкина муаммо эмас. Ҳар куни, ҳар қадамда, ҳар биримизнинг асабимизни бузадиган муаммога айланиб боряпти. Бу борада кескинроқ чора кўриш йўлларини излаш керак.

Аслида бугунги кунда уларга бизнинг қонунимизда жазо йўқ. Лекин Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда солиқ инспекцияси кўмаги билан назоратни кучайтириш мақсадида чиптафурушлик қилаётган шахслар (шу жумладан, кассирлар)га нисбатан қатъий чоралар кўриш ҳақида тадбирлар ишлаб чиқдик. Бу аввало касса хизматчилари, кейин эса солиқ инспекцияси ҳамда бизнинг бошқармамиз ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди. Яна бир муҳим томони, энди поездларнинг проводникларига нисбатан ҳам қаттиққўллик қилиш вақти келди. Уларнинг кўнгилчанлиги ёки пулга рўжу қўйиши оқибатида қанча дилхираликлар келиб чиқяпти...

БАРИБИР бизнинг халқимизда юзхотирлик кучли-да. Шу кузатув баҳонасида кўплар билан суҳбатлашдик. Бири очиқчасига, иккинчиси сал истиҳола билан темир йўл транспортидаги қатор муаммоларни айтди. Ҳатто поездлардан бирининг проводниги агар биз унинг исми-шарифини газетага ёзмасак «бир сир»ни ошкор этишини билдирди ҳам. Кўндик. «Ҳар гал белгиланган манзилга жўнашдан аввал хавотирга тушаман. Бугунги кузатувчилар биз билан қандай «муомала қиларкан» деб. Қайтишимда ҳам шу ҳол такрорланади. Улар битта-иккита эмас-да. Кўп. Кейин нима қилай, учинчи қаватга ҳам, ўтириб кетишга рози бўлганларни ҳам чиқариб пулини оламан...».

Билмадик. У бу гапларни ўзини оқлаш учун айтдими ё ростдан ҳам шундай воқеалар содир бўлганми, у ёғи виждонига ҳавола. Лекин бизга битта нарса аён: — ўзимиз ҳам гувоҳмиз. Ҳозир жўнаб кетаётган ҳар бир поезддаги (Ўзбекистон ҳудудида қатнайдиганлар) кўнгилсиз манзараларни бирма-бир шарҳласак ҳоҳ ишонасиз, ҳоҳ... Тўғри, ёзда қийин. Мавсумий келиб-кетишлардан поезд хизматчиларининг асаблари ҳам чарчайди. Ҳоҳо қўполлик қиладилар. Буларни кечирса бўлар. Минг афсуски, бундай кўнгилсиз воқеалар йил ўн икки ой такрорланса-чи? Бир тун меҳмон бўлиб кетадиган йўловчига бир чойнак иссиқ чой дамлаб беришга ёҳуд қуриган чойшаб тутишга оғринаётган вагон оғалари йўқ дейсизми?

Биз бу билан темир йўл соҳасида қолаверса, пассажир транспортида неча ўн йиллаб ҳалол ишлаб, бола — чақасини ана шу ҳалол пул билан боққан инсонларнинг меҳнатига салбий баҳо бермоқ ниятидан йироқмиз. Бу масалани аввал ҳам кўп марта куйиниб ёзишган. Ҳали яна ёзилади.

Шу ўринда биз темир йўлдаги бугунги аҳволни иккита калима сўз билан изоҳлашни **Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси бошлиғи Виктор Желтоуховдан сўрадик:**

— Тўғри, вагонлар кам. Борлари ҳам эски. Ҳатто хизмат муддатини аллақачонлар ўтаб бўлганларидан ҳам фойдаланяпмиз. Илож йўқ. Энг ачинарлиси, Россия темир йўлчилари бир қатор йўналишлар бўйича қатновларни бекор қилди. Барнаул, Оренбург, Томск ва Новосибирскка ҳозир Тошкентдан поездлар жўнамаяпти. Яқиндагина Андижон — Москва, Самарқанд — Москва, Душанбе — Москва поездлари ҳам тўхтади. Оқибатда МДҲ давлатларига бораётган йўловчиларнинг битта дардига ўнта дард қўшилди. Ана шу бекор қилинган ҳаракатларни қайтадан тиклаш учун кўп уриндик. Хайриятки, 11 августдан бошлаб яна Андижон — Москва ва 12 августдан бошлаб эса Самарқанд — Москва поездлари юра бошлади.

Вагонлар... Аввалари эскирганларини қўшни республикаларда таъмирлаб беришар эди. Энди ўзимиз имконимиз етгунича таъмирлаяпмиз. Ускуналар йўқ. Буёғи йўллар йил сайин эскияпти.

Йўловчиларга хизмат кўрсатиш масаласи бугунги кунда анча қийинчилик туғдиряпти. Бу борада мақтанолмаймиз. Камчиликлар кўп. Ҳоҳо қўлимиз калталик қилади, ҳоҳо ўзимизнинг ходимларимиз субутсизлик қилишяпти. Йўл чипталарини сотиб олиш анча қийин масалага айланди. Ноилож қолган йўловчилар чайқовчиларнинг дастидан дод дейишяпти. Бунинг учун ҳам қатор ишлар қилиняпти. Яқинда яна ўнта қўшимча касса очдик. Ички ишлар вазирлиги транспорти бошқармаси ходимлари кечаю кундуз биз билан ҳамкорликда ишлашяпти.

Муҳими, ҳозирча чипта нархларини ўзгартирганимиз йўқ. Халқимизни ўйлаяпмиз. Ёз мавсуми ҳам тугаб қолди. Буёғи катта тўйнинг олдида турибмиз. Байрам арафасида ҳам бизнинг зиммамизга жуда катта масъулият юкланган.

СЎНГГИ СЎЗ ЎРНИДА:

Уч кунлик кузатув (бу айримлар ўйлаган махсус рейд ҳам эмас!) жараёнида кўрган-эшитганларимиз бир дунё. Лекин бизга холис одамлармиз. Ўртада туриб сўз айтмоқ бурчимиз. Икки тараф — икки дунё. Бир томон у дейди, иккинчи томон — бу. Баҳони... қўйиб бўлмади. Темир йўлнинг «темир» қонунлари ҳам кўп экан. Эл-улус эса буларни кўриб турибди. Алдолмайсиз. «Камчиликлар кўп, тузатишга уриняпмиз, лекин қўлимиз калталик қилаётир» дейиш осон. Бундай гаплардан тўғриси, чарчадик. Ахир темир йўл транспортидаги ночор аҳволни яхшилаш ўрнига баттар хас-пўшлаш, қолаверса, йўловчиларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишда ҳали катта нуқсонлар борлигини ким билмайди?

«Йўл азоби — гўр азоби» дейилар. Ана шу «азоб»лар ортида неча миллионлаб тақдирлар ётибди. Уларнинг айби... ЙЎЛОВЧИЛИГИ. Шовқин-суронли вокзалларнинг сўнгсиз навбатларию, чиптафурушларнинг алдовлари ва вагон оғаларининг қўрсликларидан тўйиб кетсалар-да, эртанги кунга умидвор қарайдилар. Эртага эса...

Яна поездлар келиб-кетаверади. Умрлари ана шу узун ва қисқа йўл-бекатларга боғланиб қолган одамлар ҳам шу поезд вагонларидай зил-замбил муаммоларнинг ечимини кутиб яшайдилар.

...Кеча яна ўнлаб поездлар улкан Тошкентдан манзиллари томон чиқириб-чиқириб жўнаб кетди. Қўл силкиб, қучоқлашиб хайрлашаётганларга қараймиз. Бири кулади, бири... Йўллар эса тугамайди. Мағрибу-Машриқ томон кетаётган йўловчилар ҳам.

Аслиддин БОЛИ,
Норқобил ЖАЛИЛ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари.

Суратларни Владимир МОЛГАЧЕВ олган.

• *Кўнгил изҳори*

«ДИЛИМНИ ЎРТАГАН СЎЗНИ АХТАРГУМ»

Аслида шеър ҳақида, шоирнинг ижоди тўғрисида бирор бир шеършуноснинг ёзгани дуруст. Ў билимдон жарроҳ каби шеърни ҳар томонлама ўрганади, соғ ва хаста мисраларини рўй-рост айтади. Адабиётнинг юксак меъзонидан келиб чиқиб, шоир ижодини баҳолайди. Шу боис шоир Исмоил Тўхтамишевнинг «Чўлпон» нашриётида чоп этилган «Дил садолари» деб номланган тўртликлар тўплами ҳақида бир оддий шеърхон сифатида, мухтасаргина фикр-мулоҳаза юртмоққа уриндик.

Тўртлик шеириятнинг энг қийин ва мураккаб жанрларидан бири. Ижодкор беҳисоб фикрлар қатидан ўтли мисраларни гўё тўрт қатор дурдай қоғозга туширади. Агар бу дурнинг доналари ўз ўрнига тушса табиийки, тўртлик ўқувчи қалбидан ўрин олади. Шу жиҳатдан олиб қараганда Исмоил Тўхтамишев терган сўз дурдоналари қайроқтошдек ўқувчи туйғуларини чархлайди, уни ўйлашга, мулоҳаза юритишга ундайди. Ҳаётнинг турфа наволарига ошно этади. Бир тўртлигида шоир шундай деб ёзади:

Ҳеч кимга ўхшамай
ўзни ахтаргум,
Меҳрга йўғрилган кўзни
ахтаргум.
Узун тунлар мутлоқ
мижжа қоқмасдан
Дилимни ўртаган сўзни
ахтаргум.

Ҳаётда ва шеириятда ўзини излаш, мудом меҳр-оқибатли кўзларни ахтариш ва дилни ўртаган сўзни топиш шоир қисматида ҳеч маҳал енгил ҳал бўлмайди. Лекин бу оғир ва мураккаб жараён ҳақидаги мулоҳазаларига бошқа бир тўртлигида шундай жавоб беради:

Ўғли бўл ўзини ўзлаган
юртнинг,
От миниб олисни кўзлаган
юртнинг.
Отаси ожиздир, фарзанди
басир,
Шоирлари ёлғон сўзлаган
юртнинг.

Шоир учун ҳақиқий ва чин сўз ахтариш санъати қанчалар машаққатли, қанчалар қийин бўлса, лекин ўша сўзини ёлғондан айтмаслик, ёлғон ёзмаслик шунчалар юксак масъулият юклайди. Шоир учун ёлғон ёзиш хиёнат билан тенг. Ёлғон сўзга ишонган юртнинг фарзандлари шоир айтганидек, қалби ва ақли басир бўлиб, оталари ожиз бир кимсага айланади. Бундай кўргуликни шоир яна бир бор шафқатсизлик билан қоралайди:

Ҳоким бўлса дунёга дили
сўқирлар,
Майли, шу кун кўзимдан
дунёни яшир.

Исмоил Тўхтамишев тўртликларида кўпроқ ҳалоллик, тўғрилик ва эътиқод қайта-қайта тилга олинади. Инсондаги бу туйғуларга путур етказмасликка даъват этади. Ҳар қандай даврда, шароитда эътиқоддан воз кечмасликка чақиради. Шоир бир тўртлигида:

Дилингга ўт ёққан
эътиқод учун,
Арзийди ўлсанг ҳам оёқ
узатиб,

— дейди.

Бошқа бир тўртлигида ваъда қилинган бахтни деб эътиқоддан ҳеч қачон кечмаслигини қатъий баён этади. Ҳақиқий эътиқод билан чин инсонийлик намоён бўлиши мисралар мағзига сингиб кетади.

Сен деб чеккан аламларим
дард бўлди,
Ўзим қўрқоқ, қаламларим
мард бўлди,
Олам бахтни ваъда
этдилар фақат,
Эътиқоддан кечгин деган
шарт бўлди.

Тўпламдаги тўртликлар орасида муҳаббат мавзуси алоҳида ўрин олган. Шоирнинг қаҳрамони кўп ҳолларда: «Суратингни чизай дейман, қаламим ожиз», «Ҳеч ким сени севолмагай ўзимдан ортиқ», «Сендай гўзал санамнинг борлигига шукурлар» деб муҳаббатга илтижолар қилади, ёниб шукроналар айтади. Чин муҳаббатни улуғлайди, уни юксакларга кўтаради:

Сени қандай севишимни,
сўзларим айтсин.
Висолингдан тўймаганим,
кўзларим айтсин.
Номинг тутсам, вужудимни
босар ҳаяжон,
Муҳаббатим лов-лов
ёнган, юзларим айтсин.

Баъзан шоирнинг бечора ошиғи висол лаззатига етолмай, озор чекади, вафосизликдан қийналади. Бир тўртликда: «Мен сенга зор, менга эса ўзга зор» деса, бошқа мисраларда: «Муҳаббатнинг бобида мени ҳали ғўр дерлар» деб афсусланади. Шоир муҳаббат изтироблариии турфа пардаларда куйлар экан, тўртликларида унинг бетакрор ва ўзига хос манзараларини чизар экан, барибир: «Эй муҳаббат, билиб қўй, сенсиз ҳеч яшолмасман» ёки «Муҳаббат мангу деб унинг йўлларида, Жонимни тиккан ҳам аслида ўзим» деган хулосага келади. Энг муҳими, муаллиф тўртликлари орқали шеърхон қалбида муҳаббатнинг ўлмас ва мангу садоларини қайтадан жаранглатишга эришган.

Тўпламда бадиий жиҳатдан ҳали меъёрига етмаган айрим саёз тўртликлар, шунчаки сўзлар йиғиндисидан иборат енгил мисралар ҳам учрайди. Мураккаб ва оғир жанрда қалам тебратиб, астойдил изланаётган шоирнинг бундай жозъий камчиликларини кечирса бўлади. Чунки унинг ўзи ҳам бир тўртлигида бу ҳолни тан олиб, эътироф этади: «Ҳамроҳимдир тунлари қоғоз, қалам ва лекин, кўнглимдагин ёзолмай бир умр, куюб ўтдим». Шоирнинг ўзидан, ижодидан қониқмаслиги яхши. Ана шу куйиш-ёнишлар уни ҳеч қачон тарк этмасин. Шоир учун куйиш-ёниш қисмат. У бир умр қалбидагини ёзишга интилади. Ёзганларидан қониқмайди...

Ашурали ЖУРАЕВ.

ҚИШЛОҚДА ТЎҚИЛГАН ГИЛАМЛАР

● **СИРДАРЁ (мухбиримиздан). Шароф Рашидов туманидаги Темур Малик номли ширкатлар уюшмасида гилам тўқиш кичик корхонаси маҳсулот бера бошлади.**

Ҳозир бу ерда 18 нафар қиз-жувон чўгдек гиламлар тўқиш касбини пухта эгаллашмоқда. Яқин келажакда корхона кенгайтирилиб, маҳсулот сифати янада яхшиланади. Туманда эса жами 46 та кичик корхона ишлаб турибди. Уларда 15 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Бундай корхоналар сонини янада кўпайтириш, маҳсулотлар хилини ошириш чоралари кўрилмоқда.

Абдужалил УМАРОВ.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон автомобиль йўлларини қуриш ва фойдаланиш давлат акционерлик концерни «Ўзавтойўл» жамоаси «Наманганавтойўл» бирлашмаси раиси Икромжон Каримовга отаси

Каримжон НИЕЗОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Масъулияти чекланган «Грифон—92» фирмаси ва «Евроўз» қўшма корхонаси жамоалари «Акмал Икром савдо» акциядорлар жамияти раисининг муовини М. Туроповга отаси

ТУРОП ОТАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Мукимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театри жамоаси театрнинг етакчи артисти Рустам Маъдиевга акаси

Мусо КАРОМОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институти, «Механизация» маркази, «Трактор ва автомобиллар» кафедраси жамоалари уруш ва меҳнат фахрийси, Республикада хизмат кўрсатган механизатор

Жалил ҲАКИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Знёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоҳосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-20-36, 32-54-35.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-55-06.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Бухорода — 3-54-87; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-31-86; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 7-58-83; Қаршида — 3-25-79; Қумқўрғонда — 52-624; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Фарғонада — 6-37-16.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топириш вақти — 21.00. топшириладн — 21.00.
Г—1086 т. 72841 нусхада босилди.
Навбатчилар: Н. ШАКАРОВ, С. САЛИМОВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083. ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй.